

ХИЕСОН



ИЁБОН

ШЕЪРЛАР


УРГАНИ ДАВЛАТ

УНИВЕРСИТЕТИ

КУТУБКОНАСИ

015030

ҒАФУР ҒУЛОМ
НОМИДАГИ
БАДИИЙ АДАБИЁТ
НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ



Ҳурматли китобхон!

Қўлингиздаги бу китобча сеvimли шоиримиз, атоқли адибимиз Мақсуд Шайхзоданинг тирикликда тайёрлаган сўнгги тўпламидир. Бешафқат ўлим шоирни орамиздан бевақт олиб кетди.

Мақсуд Шайхзода ўз китобига ёза бошлаган сўз бошида бундай деган эди:

«Бу китоб ўзи бамисоли хиёбондирки, бу йўл юришларнинг файзи, кезишларнинг завқи, курашларнинг машаққати, ҳижронларнинг алами ва висолларнинг қувончига гувоҳ бўлган дарахтларнинг қучоғида умр бўйлаб узайиб бормоқда».

Шоир ўз ижод хиёбонини тарк этди. Аммо чинакам талант эгаси иккинчи умр билан ҳам яшайди. Бу умр хиёбонида ҳали кўп авлодлар завқ билан сайр этадилар ва ўз шоирини меҳр-муҳаббат билан эслайдилар.

Шоир ўзи айтгандай:

Шеърят диёрин шоирларимиз,

Ҳар уй, ҳар кўнгилга байтлар бўлсин ёр!

Элга дастёр бўлса шеърларимиз —

Демакки, умримиз ўтмабди бекор!..

МАРКАЗКОМГА САЛОМ!

I

Тонг отиб, чиқар қуёш — ишчан жўрамир.

Аҳил бўлиб ишга борамиз...

Хизматимга киришмасдан илгари,

устозига шогирд боққан сингари,

Шимол ёққа, Москвага хитобан

айтаман:

— «Марказкомга хайрли эрта!

Яша дейман сенга минг марта!»

Чунки, йиллар ва кунларнинг дебочасида,

катта карвон йўлида ҳам

иниқ кўчасида —

Партия бизни бошлар,

Партия мени бошлар

мисоли йўқ, эши йўқ ютуқлар томон,

бошлар бутун ер юзининг харитасида

Ер юзининг ҳеч бир нуқтасида

тенг-туши йўқ уфқлар томон.

Қуёш чиқар авжига, иш қизиб кетар,
муҳлатлардан иш ўзиб кетар.

Ижодимнинг айни қизган чоғида
мен юзимни Шимол томон тутаман;
Шарқнинг озод ва тоза тупроғида
Москvamга меҳр билан айтаман:
— «Марказкомга хайрли кундуз!

Ғалабали, фахрли кундуз!»

Қуёш турар авжида юмушларинг сингари.

Юксаклиги ниятингнинг баландлигин эслатар.

Мусаффодир олтинларинг, кумушларинг сингари.

Қуёш нури Нуристонга йўлимизни тезлатар.

Қуёш турар авжида, рухсорини очиб кенг.

Аниқлиги тадбирларинг нақд эканин эслатар.

Қуёш турар авжида, шуълаларин сочиб тенг.

Тантилиги сиёсатинг ҳақ эканин эслатар.

— Ҳақсизликка йўл қўймадинг, емирдинг
ва тикланди ота Ленин удуми.

Ғаразғўйлик қалъасини ўпирдинг.

ҳар коммунист — офтобнинг ходими.

Адолатинг нафасидан тирилди эзгу номлар,

азизларки, бўғилганлар гирдобларда — туҳматда,

туриб келар тириклардек планларга хизматда,

эл ҳукмида белгиланди ҳалоллар ва ҳаромлар.

Ҳадсиз йўллар учида,

Қоншотнинг ичида —

порлаётган қуёшдир

муҳаққақ.

Инсоният тарихининг кўз илғамас авжида

Владимир Ильичнинг иши ҳақи!..

III

Оқшом чоғи... Ватан бўйлаб қадам-қадамлаб
қуёш ўтди денгизлар, тоғлар ортига.

Хизмат тамом...

Саркорлар кун меҳнати* якунлаб-жамлаб,
ҳисоб берар Партияга...

Юрагимда фарзандона бурчим бор шу тоб,
Москвага қиламан хитоб:

— «Марказкомга хайрли оқшом!

Ҳар иш куни — қувончли айём!»

Куннинг иккинчи палласи

юртда бошланиб қолди.

Элнинг севимли яллasi

энди сўз олди.

Қўшнинг ахир меҳнатнинг давомидир бу элда,
меҳнат эса санъатнинг илҳомидир бу элда...

Пагмаларда улуғланар Ленин даҳоси,

Қоммунизм кўрфазига йўл олган

кемаларда тасдиқланар Ленин даҳоси.

«Шукр! Минг бор шукр!»— дейман толеймга ман,

ўтмиш бўлак давронда туғилмаганман.

Қуюқлашар осмон... Боғларни қоплар
кундузларнинг астари — бахмал қоронғу.
Усталар туш конидан келтириб уйқу,
киприкларга улашар, хизматин боплар...
Фикр учар, учар беқўним.

Фикран дейман мен Шимол томон:

— «Марказкомим,

Хайрли тун, бўл доим омон!»

Аммо тун чоғи:

балки, кўкда булут ухлайди,
юлдуз эса сукут сақлайди.

Балки, чўлда ухлайди шамол,
ва энгашиб сойга, ухлар тол.

Балки, инда лочинлар ухлар,
гулханларда учқунлар ухлар.

Балки... балки...

Аммо сира ухламайди Партиянинг идроки,

Партиянинг ҳушу зеҳни, виждони, поки...

Ухламайди Ер курраси сингари,

ухламайди замон каби,

бамисоли инсон қалби

тинмас унинг зарблари.

Ухламайди бирон кун ҳам ўз нашридан

қолмаган -

ҳақиқатгўй «Правда»миз сингари.

1964 йил, март.

ЛЕНИН — БИЗ

Кишилик оламин буюк устози,
Хаёлдан ҳам тетик фикрин парвози,
Эркинлик ва баҳор ундан кўп рози.
Яшайди дилларда сеvimли Ильич.

Тараннум қилади уни қўшиқлар,
Қуйлаб чақиради равшан уфқлар,
Фазо йўлчилари уни улуғлар.
Достондир тилларда сеvimли Ильич.

«Ленин қаердадир?» деб ким ҳам сўрар,
Дунёмиз Ленинни ҳар лаҳза кўрар.
Тарих у кўрсатган йўллардан юрар.
Азиздир элларда сеvimли Ильич.

Ленин сенда, менда, ҳаммамиздадир,
Иқболга йўл олган кемамиздадир,
Севгимиз, бахтимиз, нағмамиздадир.
Яшар кўнгилларда сеvimли Ильич.

Апрелнинг шу мовий кўзликунини,
Севамиз лола ранг юзли кунини,
Володя туғилган файзли кунини...
Раҳбардир йўлларда севимли Ильич.

1964 йил, апрель.

Қонли қонунларнинг исканжасидан,
Бўғиқ кечаларнинг шум панжасидан,
Фалакнинг беҳаё тирранчасидан —
Элларни қутқазган мардларга балли!
Мардларни еткизган юртларга балли!

* * *

Октябрь қўшиғин илк куйлаганлар,
Сизни деб, бизни деб ўй ўйлаганлар,
Жонини аямай сарф айлаганлар —
Яшайди қалбимиз тўрида ҳар дам,
Ўлгандан кейин ҳам тирик ва бардам.

* * *

Ўша тун кундузга байроқ тикканлар,
Зулм аждарининг шохин эгганлар,
Владимир Ильичга «лаббай!» деганлар
Табаррук инсонлар, буюк одамлар,
Қўлларин ўпмоққа лойиқ одамлар!..

Октябрь жанглари ўтса-да гарчанд,
Октябрь нафаси асрга пайванд,
У кундан, ойлар ҳам, йиллар ҳам хурсанд.
Минг-минг йил куйланар Октябрь тўйи,
Яъни Ер куррасин бор умри бўйи.

1963 йил, ноябрь.

УНИНГ ДАВОМИ...

Луғатларда излаганим лазиз сўз —

«Октябрь» деган сўз...

Тарихларда учратганим азиз кун —

«Октябрь» деган кун.

Оҳангларда менга ёққан ширин куй —

«Октябрь» деган ун.

Гарчи у кун

дунёмизга келибди

ноябрнинг куз чоғида, совуқда;

аммо унинг олов тўла юраги

эркинликка қуёш бўлиб

балқиб турди уфқда...

Танилгандек шоирлар

тахаллусни пеш қилиб,

ноябрнинг шу еттинчи куни ҳам

«Октябрь инқилоби»

деган улуг унвонни —

тақиб қўйди ўз номига

эш қилиб...

Бу инқилоб:
оламшумул бир қудрат
оқаётир Ер куррасин томиридан
муттасил.

Оби ҳаёт зилолидек соф, асил...

Ва шу кунда, шу онда,
бизнинг қадим жаҳонда —
қай бир ўлка —

мустамлака
эрк йўлида тиришса,
озодликка эришса:

билмасангиз билингки,
билсангиз ҳам билингки,
ўша юртда

Октябрнинг доим ёруғ руҳи бор.

Келгуси нур боғларига
у сочган
уруғи бор.

Қай шаҳарда ишчилар,
ҳақ учун курашчилар

иш ташловга бел боғлашса аҳиллик,
хўжайинлар қилишса баджаҳллик —

билмасангиз билингки,
билсангиз ҳам билингки,

у шаҳарда ишчиларга Октябрь,
бағишлар азму тadbир.

Коммунистик режаларин бажарган
ҳар корхона

бошласа шодиёна,
ҳосилотин териб олган ҳар колхоз
рапорт ёзиб ҳукуматга айтса сўз,
Октябрнинг давомидир бу шодлик,
Октябрнинг давомидир ободлик!
Бахтли қизнинг лабидаги хандалар,
тўйлардаги хушовоз хонандалар,
менинг байтлар тизаётган қаламим,
ўтиб қайта келаётган кўкламим,
мавжудотим Октябрнинг давоми,
зурриётим Октябрнинг давоми,
ва
ҳаётим Октябрнинг давоми.

1963 йил, ноябрь.

ҲАЙКАЛЛАР

Агар бир дostonга ўхшаса Тошкент,
Унга сарлавҳадир мангу монумент:
Владимир Ильичга қўйилган ҳайкал...
Мен унинг ёнидан ўтганда ҳар гал
Бошимдан оламан бўркимни бир дам
Ва унга ҳурматан қиламан таъзим.
Майдонда жонланар энг инсон одам.
Унга маҳлиёдир кўнглим ва кўзим.
Улуғлик десангиз, у — беқиёсдир.
Қамтарлик десангиз, Ильичга хосдир.
Маъдан хатлар ила чизилган сиймо,
Замонни бошқарар, ўзи раҳнамо.
Менга шу мавридда туйиладики,
Ҳайкалга қўлимни тегизсам агар,
Мармардан совуқлик эмасу, балки —
Ота ҳарорати қалбимга чўкар.
Чунки, бу металллар, мармарлар, албат,
Лениннинг номидан олган ҳарорат.
Шаҳарлар, қишлоқлар, йўлларга бари

Ленин ҳайкаллари бахш этар зийнат.
Шу вайдан Ленинча элнинг ишлари,
Ленинча ҳаёту Ленинча меҳнат.
Аммо, бор Ленинга бўлак ҳайкаллар,
На маъдан, на тошдан ва на мармардан.
Булар юракларда ёнган машъаллар,
Севгидан ёқилган улар дафъатан.
Ҳисдан, хотирадан, миннатдорликдан,
Зеҳндан, идрокдан, вафокорликдан.
Эркдан нафас олиб яшар ҳайкаллар,
Наслдан наслга кўчар ҳайкаллар.

1963 йил, апрель.

ЛЕНИННИНГ УМРИГА ҚУШИЛДИ БИР ЙИЛ...

Лениннинг умрига қўшилди бир йил...

Қушлардек учади йиллар муттасил.

Бу нима дегани?

Демак жаҳонни —

Маҳлиё қилмоқда Лениннинг меҳри.

Жаҳонни,

Замонни

ва осмонни

Олган тарбияга устознинг фикри.

Бу — яъни дунёнинг ва кишиликнинг,

Еруғнинг, инсофнинг ва яхшиликнинг

Эзгу истаклари ўлмайди демак.

Бу — зулму жабрнинг ҳам ваҳшийликнинг

Муҳлати бир йилга камайди демак.

Лениннинг умрига қўшилди бир йил,

Севгининг кутилган васлидай асил.

Бу нима дегани?

Нима дегани?

Яъни коинотнинг йилномасида,

Курашлар, зафарлар ҳангомасида
Варақлаб очилди ғолибона боб,
Ҳар сўзи, ҳар сатри айнан инқилоб.


* * *

Лениннинг умрига қўшилди бир йил.
Апрель чаманида лоладек қизил.
Бу нима дегани?

Яъни оламда
Қишларга ёт бўлган мангу кўкламда
Бир йилга яшарди бу қадим башар.
Емонлик кўмилар,
Яхшилик яшар.

1963 йил, 19 апрель.

114 048



ЛЕНИННИНГ КУТУБХОНАСИ

Владимир Лениннинг ақли тарозисида
Тортилганди инсоният зеҳнининг
минг-минг йиллик билимлари муқаррар,
Юноний Арастудан
Эйнштейнга қадар.
Ошна эди сўзнинг устозларига
Аристофандан —

азиз дўсти Горькийгача.

Билар эди дунёнинг жуғрофиясин
Париждаги Эйфельнинг миноридан
Полинезия оролларида
толларнинг баргигача.
Китоб... Китоб... Ҳар ёқда китоб.

Ҳамма ерда,

ҳар чоқда китоб.

Горкидаги чорбоғда ҳам,
кабинетда, ётоқда ҳам.

Тайинланган хоналарнинг тоқчасида

ҳам,

Йилларнинг кундузи, кечасида ҳам,
сафарда ҳам, сургунда ҳам,
бандиликда — тутқунда ҳам,
хилватда ҳам,
ғурбатда ҳам...

Китоб... Китоб... ҳамма ёқ китоб.

Ёдда сақлар бесаноқ китоб.

Илму фанлар, шеър, фалсафа,

Турли тилда ва турли йилда

яратилган хазиналар

минг-минг саҳифа.

Ўқиганин чин мағзини ёзиб олади,

бетларининг чеккасига чизиб олади.

Ўқиши ҳам унинг зотан ижоди,

Ленин шундай китобхонки,

саноқлидир ҳардами,

ишлар доим учликда:

бир китобнинг автори,

бир ўзининг закоси.

бир-да, содиқ қалами.

Аммо унинг жигарбанд адиблари

Маркс билан Энгельсдир.

Ленинга улар раҳбар.

Уларнинг доно сўзи

Улуғ ишда қўлланмадур ва дастур.

Инқилобнинг машаққатли йўлида

рўй берганда мушкуллик ё муаммо,

Ленин дейди доимо:

— «Қани, устоз Маркс билан бир кенгашайлик.

Удир бизга раҳнамо!»

Китоб... Китоб... Ҳамма ёқ китоб...

Ҳамма ерда,

ҳамма вақт китоб.

Ленин кутубхонаси —

маърифат кошонаси!..

Бироқ Ленин ўзи ёзган китоблар,

асрнинг сўроғига

ўзи берган жавоблар —

бўлиб қолди муаззам кутубхона.

Ильичимиз даҳосидан нишона.

Лениннинг китоблари

Коммунизм қурмоқликнинг ҳикмати.

Ленин кутубхонаси —

Коммуна қураётган

Партиянинг мандати.

Лениннинг китоблари —

Ер юзида саодат гулзорини

эккувчилар мадади.

1962 йил, март.

МЕН — ЛЕНИННИНГ КИТОБХОНИМАНИ

«Бутун Ер юзида энг кўп нашр этилган китоб — Лениннинг асарларидир».

(Газета маълумотидан)

Денгизларга чиққан кема
сафарга бўлиб ҳозир,
уфқларни, соҳилларни кўзлар экан
мунтазир —

оқинтидан, оқимлардан ўзаркан,
ёмғирларга кўксин очиб сузаркан,
зар юлдузлар унга «Оқ йўл!» истаркан,
шамол унга «жадал бўл!» деб қистаркан,
оролларга хайру салом йўлларкан,
чайкаларнинг қутловини тингларкан —

Бу кеманинг сурурига, шавқига
нима етсин бу ғаштларнинг завқига?!

Айнан шундай:

бепоён бир денгиз эмасми

Ленин айтган фикрларнинг уммони?

Айнан шундай:

У кемага ўхшаб кетмасми

Ленинни ўқиб турган
мухлиси — китобхони?!

Йўқ, шугина эмас у.
Уммон эмас фикрлар.
Ер курраси бир жаҳон.
Жаҳон эмас муқаррар:
Еру фазо, осмон.

Лениннинг ҳар варағидан башарият

зеҳнига

Сингиб келар онг-идрок,
апрелларнинг тонги каби
тиниқ пок...

Лениннинг ҳар саҳифаси, ҳар сатри
келажакдан башорат,
балки унинг одампарвар ҳар фикри —
яхшиликка ишорат...

Дунёмизнинг
кутубхоналарида

Лениннинг китоблари шу вайдан
олибди фахрий ўрин.

Ҳатто тутган кутубхона саҳнининг
энг муҳтарам бош тўрин,
кўп муқаддас каломлардан ҳам бурун...

Она тарих юрганида даштлардан,

биёбондан.

кечганида дарёлардан, довондан
йўлидаги қўлланма,
қўлидаги йўлланма —

Владимир Ильичнинг офтобсимон ҳикмати.

Бир ҳикмати,

ёвнинг жаҳли, туҳмати,

йўлнинг хавфи, заҳмати

унинг равшан ҳақиқатин букмади.

Агар мендан сўрасалар:

— Шунча яшаб оламда,

«Фаҳрим» дея, сен нимани пеш қиласан

шу дамда?—

Дер эдим ғурур билан:

— Менга азиз чин унвон

Ленин асарларига

бўлганлигим китобхон!..

1964 йил, апрель.

ЛЕНИН ИМЗОСИ

Ҳануз Ўрта Осиёнинг харитасида
Бор эди на Ўзбекистон, на Тожикистон.
Бугун энди қирқ бешларга кирувчилардан
Дунёда на дарак борди, на ному нишон.
Исёнларнинг, қамалларнинг қўзғаркан ҳоври,
Ҳиёнатлар, терламалар, очликлар даври —
Инқилобнинг эшигида ҳаёт ва мамот
Еқалашиб бир-бирини қилай деркан «мот» —
Шарқдан, Ғарбдан ва Жанубдан сотқин
лашкарлар

Советларнинг пойтахтига бошларкан сафар,
Жаҳонгирлар севингандан қўлларин ишқаб,
«Ғалаба»дан сотар экан сафсата-ю гап,
Аламзада Туркистонни бағридан ғажиб,
Оч қашқирлар тентир экан юрт қонин ичиб,
Бухорода чирик амир, Хивада гўл хон
Дехқонларнинг қилар экан дилларин вайрон,
Москвада — Кремлда доҳий хаёлан
Олис тарих уфқларин кўрарди равшан.

Билар эди: кунлар ўтар, жанг-жадал битар.
Ёмонликлар гўрга кетар, хушзамон етар.
Билар эди: кўп бўлса-да, таҳлика — хатар,
Аммо Ватан авлодини оқ тонглар кутар.
Билар эди: пироварди ҳақиқат ютар,
Ва келаси айём унга гулдаста тутар...
Билар эди... Билар эди ҳаммасини у.
Лекин замон оғир эди, «Бетинч, серқайғу...
Бироқ ўлмас Ильичимиз ҳикмати шуким —
У вақтларнинг оқинига бўлганди ҳоким.
Ҳодисалар мазмунига бўлиб у сирдон,
Билар эди енгар меҳнат, енгилмас виждон.
Шу туфайли у келаси боғларни ўйлаб,
Боқар эди харитага, ўлкалар бўйлаб.
Кўрар эди, бебурд ётган саҳроларни у,
Ва уларга ёндош асов дарёларни у.
Кўрар эди Мирзачўлни, «очлик дашт»ни,
Қумларини, тошларини, баланд-пастини.
— Йўқ, бу инсоф эмас,— деди:— Ер бор,
дарё бор,
Бу тупроқлар замирида не-не ашё бор.
Ер ва сувни қовуштирмақ, уламоқ лозим.
Бу ташналик биёбонни сувламоқ лозим.
У элларнинг тақдирини ўйламоқ лозим.
Сайхонларга элатларни жойламоқ лозим.
Бу мақсадга катта маблағ чиқармоқ лозим.
...Ва ёзилди бу тўғрида Ленин декрети.
Бошдан-оёқ халққа ғамхўр аввали-кети.

Ва қўйилди азиз имзо, ҳаётбахш вазмин:
«РСФСР Совнаркоми раиси — Ленин».
Советларнинг давронида илк буйруқлардан,
Ленин амри сира ўчмас таворихлардан.
Гулистонга айланаркан, чўллар мирзоси,
Ҳар ғунчадан анқиб турар Ленин имзоси.
Баракали тупроқларнинг шукри-ризоси,
Қарвонларнинг сатрлари Ленин имзоси.
Бахтиёрлик таронаси, эрклик фазоси,
Сен ва менинг ҳаётимиз — Ленин имзоси.

1964 йил, 17 май.

«Бу уйда 1900 йилнинг ба-
ҳорида В. И. Ленин Рига
социал-демократлари билан
кенгаш ўтказган».
(Рига шаҳрида Киров кўча-
сида 18-сон уйнинг эшиги
олдидаги темир лавҳага
ўйилган эслатма.)

Шу баланд нарвондай, шу зиналардан
Бир чоғлар Ульянов қадамлаб юрган.
Еш бўлган, ўттизга у энди кирган.
Аммо билим деган хазиналардан —
У тугал баҳраманд ҳам воқиф экан.
Еш бўлган, қалбида сўнмас аланга.
Янги, йигирманчи асрга қараб —
Чиққан зиналардан.

Еруғ кўкламга —

Эзилган элларни чақириб-чорлаб...
Бугун зиналарда Ленин қадамин
Излари кўринмас. Кўп йиллар ўтган.
Ва лекин Лениннинг — улуғ одамнинг

Уйлаган ўйлари, у ёзган-битган
Ҳикматли китоблар, сўйлаган сўзи,
Яъни даҳосининг ижодкор изи
Сингиб Ер куррасин ич-ичигача
Жаҳоннинг толеъин қилди ўзгача.
Инсон мақомининг зинапоysi
Юксалди коинот гумбазигача,
Ерда ҳам, кўкда ҳам ёруғ манзиллар
Лениндан файз олиб бўлиб мунаввар
Ҳаёт йўли бўлгай хиёбон кўча...

1961 йил, апрель, Рига.

ГУЛДАСТА

Гулдаста, бу яъни — бир даста гулдир,
Уни совға қилмоқ қадим усулдир.
Аммо бу гулдаста эмасди оддий.
Уни бир қишлоқи олиб келганди,
Узоқ Сирдарёнинг қирғоқларидан,
Ўрик ва шафтоли булоқларидан —
Қирқиб олинганди хушбўй гулдаста,
Апрель тонгидаги тиниқ нафасдай.
Йўлда сўлмасин деб дарахт чечаги,
Мешга тиқилганди гулдаста таги.
Шаҳар марказида бир ҳайкал борди,
Владимир Ильичга у ёдгорди.
Унинг оёғига қўйиб гулдаста,
Тингани ўтирди чол бир оз пастда.
Сўнгра ўз мешидан қуя бошлаб сув,
Тар қилиб яшнатди гулдастани у:
— «Сирдарё сувининг баракаси зўр,
Майсага сепилса, на қурт — балохўр,
На губор, кўкларин кемира олур,

На иссиқ-жазира емира олур!»
Гуллар сўлмасину сарғаймасин деб,
Чечакларнинг атри камаймасин деб,
Меҳру таъзим билан Ленинга деҳқон
Бутун кун пойлади у ерда ҳамон.
Ўйладим: мўйсафид гарчи кўп содда,
Бироқ ҳикматлар бор ушбу маънода.
Ленинга севгининг ажиб мадори.
Биров буюрмаган, ўз ихтиёри.
Шунча ихлос билан келган экан чол.
Шу улуғ севгига келмайди завол.
Лениннинг хотирин шод этмоқ учун,
Деҳқон аямабди мажолин, кучин.
У кундан кўп йиллар ўтиб кетса-да,
Ёдимда у чолу ўша гулдаста.

1964 йил, 20 апрель.

Йилларимиз ўтади, таҳликалар кетади,
башарият ўз олтин китобини битади.
Биллур каби шаффоф, ойдин асрлар,
асрларнинг эгаси

насллар —

Ер юзида тузади
сўлмас гулистон.

Адолат ўзи бўлар
сайёрамизда султон.
Уфқларда жаранглар
бахтларнинг қасидаси.

Сарҳадларсиз чизилар
дунёнинг харитаси.

Қитъалар ўртасида
қисқариб масофалар,
рўзномага қўйилар
фазошумул вазифалар.

Қўшнимиз Ой бўлиб қолар
Еримизнинг еттинчи қитъасидек.
Жуғрофия бобларининг биттасидек.
Тиним куни одамлар

Боришар Ой сайлига,
Отланиб нур учқучларга
жўнар Сомон йўлига.
Ўртача инсон умри
бўлар юз йил камида.
Саксониди ёр куйида қуяётган ошиқлар
кезар ҳижрон ғамида.
Қунлар келар бир-биридан нафис.
Йиллар турар сеvimли, азиз...
Аммо...
аммо —
ўшанда ҳам зурриятлар
давримизнинг жозибасига
ўтрилиб суқ билан қарар:
Бўронлар, тўфонлар, зилзилалар даврига,
инқилобий силсилалар даврига.
Қидирарлар китобларда
замонамиз йилларин,
ижтимоий,
иқтисодий омилларин.
Енгиллатиб биз уларнинг
сўроқларин,
тўлдирайлик ўзимиз
анкетанинг варақларин.
— Қачон яшаб ўтдингиз?
— Йигирманчи асрда!
— Юртингиз, уй адресингиз?
— СССР деган ерда.

- Сиесий қарашларингиз?
- Ленинизм деб билинг!
- Эргашган устозингиз?
- Ленин!
- Ҳаққингиз, овозингиз?
- Ленин!
- Уқиган дарсхонангиз?
- Ленин!
- Ишлаган ишхонангиз?
- Ленин!
- Аҳдингиз, паймонингиз?
- Ленин!
- Севган қаҳрамонингиз?
- Ленин!
- Асрингизнинг мазмуни,
руҳи,
тафсири?
- Ленин!
- Замонангиз сарлавҳаси,
ютуқлар сири?
- Ленин!

• • • • •
 Ҳа, яшадик йигирманчи асрда,
 биз Лениннинг асрида.
 Зотан шу деб биз яшадик,
 ва ўлмадик,
 ва ўлмаймиз аслида.

1965 йил, 20 апрель.

Заҳматли чоғларда, оғир йўлларда
Асти онасини унутмади у.
Зиндонда, сургунда, ўзга элларда
Волида меҳрини тарк этмади у.
Агар оналикка қўйилса ҳайкал
Сурати: Мария Александровна!
Ёнидан ўтганда авлодлар ҳар гал
Десинлар: «Абадий раҳматлар, она!
Сен туққан Володя тарихнинг бахти,
Башар манглайига гулчамбар тақди!»
Ҳамиша ҳурматлаб рафиқасини
Уни тақдирларди бағоят баланд.
Унинг ҳар мактубин ва ҳадясини
Энг азиз ёдгордек асрарди хурсанд.
Сидқу садоқатнинг жонли ўрнаги
Биламиз Надежда Крупскаяни.
Унинг муҳаббатга тўлган юраги —
Бирга ўртоқлашди буюк ғояни.
Ленин ўз онасин хотирлар экан.

Барча оналарни тасаввур этган.
У ўз хотинига боқаркан ҳар он
Вафоли хотинлар бўлган намоён...
Ленин ўз синглисин бошин силаркан,
Ифбатли қизларни сингил биларкан.
Хотинлар дардини биларди яхши,
Уйларди уларнинг озодлигини.
Дер эди: аёллар кишилик нақши..
Тиларди уларнинг дилшодлигини.
Истарди меҳнатда ва ҳукуматда
Баробар қатнашсин улар албатта.
Шу учун шу кунда, барча аёллар
Бутун Ватан аҳли ила баробар
Гўёки Уммонга дарёйи азим
Қуйилиб борганда бошин эгандек
Ленин ҳузурида қилади таъзим,
Бу шундай ихлоски, унга йўқдир чек...
Ҳа, Ленин яшайди башар дилида,
Дунёнинг беш мингта жонли тилида.
Яшар хотирада ва тилакларда,
Фикрда, ижодда ва билакларда,
Севгида, қўшиқда, иморатларда,
Дўстликда, тўйларда, зиёратларда,
Заводда, мактабда, ўқишларда ҳам,
Гиламга ишланган нақшларда ҳам,
Бизнинг замонанинг сўнмас кўркида,
Бахтли аёлларнинг мангу эркида.

1964 йил, июнь.

ЛЕНИН ВА СИЗ

Совет аёлларига

Яшнаб тирилганда юртнинг тупроғи,
Уйимиз шипида Ильич чироғи —
Қўзингиз қароғин ёритган чоғи
Аёллик ҳуснининг жилвасин кўрдим.

Ленин сизни бошлаб яшил бир ерга,
Дедик:— Бу боғу, сиз бунда бека —
Эркни эгаллаган бахтга ҳам эга,
Бугун у боғларнинг мевасин кўрдим.

Қаламим йўлдоши, азизаларим,
Бор сизга атаган кўп нарсаларим,
Шеъримдир сизга деб аризаларим,
Севгида ҳаётнинг нафасин кўрдим.

Маслаҳат даврасин ўтиришида,
Меҳнат кунларининг югуришида,
Қўшиқнинг авж олиб барқ уришида —
Аёллар обрўин зирвасин кўрдим.

Урушга, ғаразга, аҳмоқчиликка,
Юракдан «йўқ» дейсиз ҳар ваҳшийликка.
Сизларга қилинган бир яхшиликка —
Ҳурматнинг юз чандан эвазин кўрдим.

Ленин туғилгану, аммо ўлмайди,
Баҳори яшнайдди, сира сўлмайди,
Чашмасин сувлари адо бўлмайди,
Ҳар гулда Лениннинг тухфасин кўрдим.

1962 йил, март.

ПАРТБИЛЕТ

Қўйнимда —
кўкрагимнинг тўрида,
юрагимнинг қошида,
гўё барча дадил фикрларимнинг,
сафда юрган тирик шеърларимнинг
дебочаси ўрнида,

яъники сўзбошида —
шу кичик алвон китоб:
юракдошим —
партбилетим.

Ҳаёт, ижод, инқилоб,
кураш, дўстлик эшикларин
очадиган калитим.

Қўп эмас бу китобга ёзилган сўзлар:
аммо, олам қадар вазмин, серсавлат,
тарих қадар бадавлат,
қўшиқ қадар ёқимли,
тонглар қадар ёлқинли,
ростлик қадар сервиқор —

«Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!»
Устоз Маркс қўли билан ёзилган
бу шиор.

Бу менинг башарий вазифам, ғоям.
Умримга сарлавҳа, мазмун
ва якун.

Кишилиқни бир бутун оила билмоқ,
ва ташимоқ уйқу билмас ҳассос юракда
куррамизнинг наштаалар
ва дардлар юқин.

Бир хил гулни ёқтирса-ю шоирнинг диди,
бўлак гулни ёқтирмаса

ким нима дейди?!

Аммо мангу камалакда етти хил тус бор.
Ҳаммасига кўзларим хуштор.

Шундай: инсон ирқининг ҳамма хилини:
оқ ва қора ва сариғ ва қизилини
эхтиром билан кузатмоқ лозим.

Дунёмизнинг шу эски хонадонини
ранг-баранг инсон билан безатмоқ лозим.

Фақат, фақат, фақат
ва фақат —
диққат!

Кўнгли қора фасодлардан ўзга,
феъли сариқ сотқинлардан бошқа,
қўллари қондан қизил жаллодлардан ўзга,
модаркуш оқ қочқинлардан бошқа.
Меҳнат аҳли бирлигин қўлламоқ,

Демакки,
мен ёлғиз эмасман оламда.
Тоғлардек таянган суянчигим бор.
Демак, мен лозимман шу партияга,
бир томчи ўзи ҳам дарёга даркор.
Лозимман шеърим билан,
ўйим, шуурим билан,
«Коммунистнинг умри — коммунианинг

умридир»

деган шиорим билан.
Шу билет узоқ йўлда қўлланма.
Коммунизм равшан уфқларига
борадиган йўлчиларга йўлланма.
Шу билет орқали менга қардошдир —
коммунист космонавт Юрий Гагарин.
Барала жар чақираман бугун —
балли Совет коммунистларига!
Қардошларимга офарин!
Республикам шарафини улуғлаётган
пахтакор коммунист билан ман
заҳмат чекаман, мукофот оламан
гоҳ севинаман, гоҳ қийналаман,
бирга ёзамиз замона дафтарин.
Қўлимдаги шу партбилет!..
Кўпдир унинг уруғи, хеши.
коммунистлик ҳужжатин олиб юрар
менинг дунёмда
қирқ миллион киши.

Бу билетда ёзилган чақириқ туфайли
иноқлашиб аҳиллашади
диёрларнинг меҳнат аҳли,
янги бино қураётган ишчилар,
адолатнинг диёрига йўл олган
яхшилар...

Ифтихор-ла очганимда билетимни мен
сўзлашаман президент Хо Ши Мин билан,
сайр этиб кезаман Ханой шаҳрини,
Чилида ўтириб мунаққаш айвонда
тинглайман —

Пабло Неруданинг эркин шеърини.
Эштаман —

жаҳоннинг энг кекса инқилобчиси —
XIX асрдан бери коммунист
Елена Стасова оғзидан
Ленин ҳақидаги таассуротин.

Парижда коммунист Пикассо —
давримизнинг буюк рассоми —
ўз ишхонасида менга таништирар
оқ кабутарлар суратин.

Луис Карлос Престес —
Бразилия Компартияси котиби —
афсонавор қаҳрамон,
енгилмас инсон,
менинг маслакдошимдир ва ўртоғимдир
энг қадим оғайни каби.
Қучоқлайман —

индонез қайиқчисин,
Япония балиқчисин,
инглиз кўмирчисин,
Туниснинг темирчисин,
Биз ҳаммамиз коммунистмиз, ҳамма
биродар,
инсоният поясида ўртоқ, баробар...

Биз ҳаммамиз жаҳоний уюшмага аъзомиз.

Кураш бизнинг тупроғимиз.

ёруғ иқбол фазомиз.

Биз ҳаммамиз, ҳаммамиз

битта улуг оҳангда куй айтамыз.

Ҳар биримиз ўз тилида,

аммо бари жўр бўлишиб дилида

айтиб турган энг биринчи нағмамиз —

ўлмас «Интернационал»...

У ёдаки зарбулмасал.

Яхшиликнинг

ва мардликнинг партияси партиям.

Кишиликнинг,

жўмардликнинг партияси партиям.

Жавобгармиз бу дунёга, инсониятга,

жавобгармиз биз бу кунга, эртанги кунга.

Ойга, кўкка, китобларга, маданиятга,

Ўрмонларга, уммонларга, тонгга, тўлқинга...

Хуллас калом:

коммунистнинг ҳуқуқи бугун

тақдирларга кўпроқ масъул бўлмоқлик
ҳаққи.

Чиқиб қолса муаммо —
устоз Маркс ҳузурига,
устоз Ленин ҳузурига
чиқиб бориб маслаҳат сўрмоқ.
Жилдларининг варақларига,
Маърифатнинг хоналаридек
журъат билан бемалол кирмоқ!
Ҳамма гап шу: бошқа гапим йўқ.
Бироқ:
шу хизматларни бажо келтирмоқ
шу ҳақда оғзаки айтгандан кўра
хийла қийинроқ!

Кисловодск.

1962 йил, август.

КОММУНИСТ ҲАҚИДА МИСРАЛАР

Коммунизм йўлининг йўлчилари —
Дунёмизнинг шарофатли қарвони.
«Мен — коммунист» деган сўз
Замонанинг энг муҳтарам унвони.

* * *

Пешқадам бир теримчини кўраман,
Унинг қўли — машинасин хартуми,
Унинг юртига бағишлаган тортиғи —
Тонналарнинг тортими.
Сир эмасдир бу ибратнинг
асоси,

Уни дерлар:
— У, партия аъзоси!

— Ана, боқинг шу корхонада
Шу ўртоқдир илғор бригадир.
Ахлоқи соф, одамсевар, миришкор,
Сўзи билан феъли биргадир!
Бу ҳолатнинг недир асоси?
Сиз ўзингиз бир ўйлаб кўринг,
Таажжубга борми ҳеч ўрин?
у —
Партия аъзоси!

* * *

Донишманд бир олимни танийман,
Узоқ кўрар ва чуқур тинглар.
Ўтмишларнинг билар мазмунин,
Келгусининг маъносин англаб.
Ҳар кишига меҳрибон, мунис,
Чунки,
Уни, дерлар, коммунист.

* * *

Ҳа, кўп эзгу шарафдир бизга,
Коммунистлик деган улуғ ном.
У ҳар кимни яхши бўл! —
дейди,

Унда қувват, эътиқод, илҳом.

Ҳалқ бировни коммунист

деса —

Бу баҳода имон ва виждон,

Коммунист бор жойда ростгўйлик,

Қувғиндадир тухмат ва бўҳтон.

* * *

Партиянинг аъзоси!

Партиянинг аъзоси!

Сенинг билетингда бор —

Ҳақиқатнинг имзоси,

Коммунанинг фазоси,

Наслларнинг ризоси!

Сен келгуси давронларнинг инсонига

Ўрнаксан!

Замона бир вужуд бўлса,

Сен оловли юраксан!

Ҳар нафасда, ҳар қадамда

Дунёмизга кераксан —

Партиямнинг аъзоси

Барча олий умидларнинг

асоси!

1964 йил, ноябрь.

БАРЧА ЯХШИ ҲОДИСАЛАР УНДАН ТУҒИЛДИ.

Ҳар битта ҳодисанинг бир манбаи бор,
Бутун башариятнинг бир бўлгандек маскани,
Яъни —

бу Ер курраси...

Беиз учиб кетмайди шу ўлчовсиз оламда
куннинг бирон зарраси...

Ҳамма оналарнинг ягона ва шафқатли
бир бутун юраги бор.

Оталар дейилдими — демак ўғил барҳаёт...

Ўғиллар дейилдими — демак ота бор бўлган.

Қўшиқ борми —

демакки бастакор бўлган.

Дастурхонда мева бор —

демак дарахт бор.

Ҳар битта ҳодисага

бирон омил сабабкор.

Аммо, битта сербарака манба бор:

Барча яхши ҳодисалар ундан туғилди.

Ҳамма эзгу тилаклар бир нуқтада йиғилди.

Тарихларнинг соатини тўғрилаб
куррамизнинг йўналишин тезлатган —
Октябрнинг у ҳаётбахш айёми.
Қуёшни яхшилиқнинг хизматига қўйди у.
у юсакка кўтарилди.

Юлдузларга фарзандларин йўллади.

Зумрад ойнинг қопқосига

ташлади. коптогини,

Планларда ўнглади

халқларнинг кўп азалий

тушини — эртагини...

Осмоннинг йўлларини ростакан

кишилиқнинг кўчасига

айлантирай деди у.

у бизларни шоир бўл деб асраган илҳом.

у тонгнинг шафақларин

ёрқин кундузлар сари

элтаётган пок салом...

у дунёнинг янги кунин эълон қилган кун.

у халқларга эркинликни келтирган виждон.

у ўзбекнинг тарқоқ элин — улусин

Битта муҳр савлатида тўплаган

ва шарафли бир ном қўйган:

Ўзбекистон!..

У ҳар кунда, ҳар ҳафтада, ҳар йилда

Меҳнатларга калит берган ижодкор.

гўзалликка нажоткор.

У бир кунки, асримизни безади.

Бундан буён кўп асрлар устидан
шу бир кун
бўлиб олтин сарлавҳа
байроқ каби сузади.
Владимир Ильичнинг даҳосига тасанно...
У асарлар яратди бир-биридан сермаъно.
Асарлари сафида ҳаммасидан салмоқдор —
большевик ўртоқлар-ла,
бирга бунёд айлаган
«Октябрь инқилоби»
деган бир кун бор.

1964 йил, ноябрь.

«ПРАВДА» — ҲАҚИҚАТ!

«Правда»нинг 50 йиллиги муносабати ила

«Правда» дегани — ҳақиқат демак.

Бу — ростлик, тўғрилиқ, адолат, инсоф.

Ундан озодликнинг зеҳнига кўмак,

У билан саҳарда туғилган кун — соф.

Ильич ҳақ йўлини ҳақиқат деган.

Ильич шу жарчини шундай атаган.

* * *

Ленин ҳақиқати — «Правда»сидир.

Қолмас безътибор ҳатто бир вергул.

Ҳар хабар ишчилар иродасидир.

Ленин правдахон: суратин кўргил!

Ленин ўқир экан ўз газетасин,

Хаёлда тинглайди бахт қасидасин.

* * *

Йўқдир тиним куни «Правда»нинг, боқ!

У содиқ юракдек бетўхтов чорлар.

Тилар: дунёдошлар бўлсинлар ўртоқ,
Даф бўлсин қонларга ташна ўжарлар.
Ўзгача бўлмоғи мумкинми охир?
Унга Ленин ўзи ўлмас муҳаррир...

1962 йил, март.

ДАВЛАТ, БУ — БИЗ!

Уйқусиз тунларда жангу жадалда
 Юрда қоровулда турган биз эдик.
 Қутурган тўфонлар қалққан маҳалда
 Ғараз тўлқинларин ёрган биз эдик.
 Биз эдик майдонда, савашда ўлган
 Биз эдик шу важдан қайта тирилган.
 Шу хилин тарихлар кўрмаган ҳаргиз.
 Эл ўзи муҳрдор, давлати азиз.
 Советлар мулкининг парламентида
 Яхшидан яхшилар сайланар, дўстим!
 Лойиқ бўлганидан эл ҳурматига
 Меҳнат ва садоқат сийланар, дўстим!
 Ленинга, тинчликка овоз берамиз,
 Дўстлик, яхшиликка овоз берамиз.
 Бугун обод Ватан гул чаманида
 Баҳор ҳавосида байроқлар тикка.
 Эртанги режалар анжуманида
 Ленинни сайлаймиз биз раисликка.

Овозим, овозинг, овозларимиз
Юртга эгаликдан беради дарак.
Авж олса сўзимиз ва созларимиз
Қандай куйламасин, кулмасин юрак?

Қўшилиб қушларга қўшоқ қўшиқлар
Бошларга сепилар кундан чочиқлар.
Иқболнинг, ёруғнинг, бахтнинг чочиғи
Коммуна уфқининг олтин қўшиғи.

1962 йил, март.

АСРИМИЗГА РОЗИЛИК

Бормоқдамиз у азиз айёмга қараб.
Бизга қараб келмоқда у айём ҳамон.
Биз борамиз.
У келар.
Қовушмоқда истак ва замон.
Томиримда тинглайман
нашъали уфқларнинг
дақиқа-бадақиқа,
ҳар лаҳза, ҳар гал
авжга юксалаётган
қўшиғини мукаммал.
Шукр, шукр,
кўп қутлуғ замонга мен
бўлибман ҳамроҳ,
чунки, эзгу ва равшан
азалий ғояларнинг
қад ростлаб юрганига
бўлолдим гувоҳ...
Ахир, ўксиз ўн тўққиз,

балки, бир юз ўн тўққиз
оғир қадам асрлар
суқланиб ҳавас билан
қарайди менга
ва давронимга...

мен асримдан розиман.
Наслимнинг овозиман...

Кечасиз бугун бўлмас,
бугунсиз эртанги кун.

Отасиз фарзанд, ахир,
бўлолмас сира мумкин.

Бугун ташир ҳар она
келгуси шодлик юкия.

Коммунизм кўринар дунё

табассумида,

эрklarнинг мавсумида,

уммонлар ошаётган,

ҳадиксиз учаётган

саломлар тўҳфасида,

севгилар жилвасида,

қизларимиз ясанган

хушбичим либосида.

инсонларнинг инсонга

инсоний ихлосида,

бизнинг гул дастурхоннинг

баракатида,

фазокаш сайёҳларнинг

ҳаракатида,

қалбимдаги тоза ҳисларда,
янги дўстлар

ва адресларда,
Шарққа юлдуз ўлкамнинг
шеърида, мақолида,
машҳур Республикамнинг
таржимаи ҳолида.

1964 йил, сентябрь.

Ер юзида шуҳрат топган ўлкадир ўлкам
Ўзбекистон дейилдими, қитъалар қойил.
Нега доим бу диёрнинг дилида кўклам?
Чунки эрклик қўшиқлари шодликка мойил...
Кўп шириндир халқим тили, инжудек гаплар,
Балки қуёш хандасидан ясалган лаблар.
Қадим тупроқ башар тонгин гувоҳи бўлган,
Чол асрлар йил санашда ундан машқ олган.
Шунча қадим китоблари, шаҳарлари бор:
Инсон олов ёқиб олган кундан хабардор.
Аммо янги давронларнинг саноғи янги,
Қирқ зинани босиб қалқди, баландга чиқди,
Ўзбекларнинг Совет эли шундай Ватанки
Уфқларида истиқболнинг машъалин ёқди.
Энди ўлкам чаманининг гули зийнати
Замонамиз ғазалининг байти — ҳуснидир,
Қорхоналар нафасида тезлик суръати
Республика достонининг чопқир вазнидир.
Ҳа, барала ҳайқирамиз:

билсин коинот!

Йигирманчи юз йилликнинг нақ ўртасида,
Ер юзида Ўзбекистон яшнамоқда шод —
СССРнинг арслон ёлли харитасида...
Харитада белгилари аён — ошкор.
Ана пойтахт, ана дарё, дала, йўл, адир.
Севимли юрт, харитада гарчи нақшинг бор.
Аммо, азиз одамларинг юрагимдадир.

1964 йил, 15 октябрь.

БАҲОР НАШИДАСИ

Салом бердим баҳорга!

Саломимни олди-ю,
менга қараб у бир зум
қилди табассум.

У шундай бир табассумки,
майсаларнинг таровати унда тўпланган.

Эндигина гуллаган ўрикнинг
оқ жилваси бу хандага қопланган.

У шундай бир табассумки,
мажнунтолнинг баргидаги яшиллик,
бир йил, уч йил, беш йиллик,
ғўдақларнинг кўзидаги маъсумлик
унда жамулжам.

Балки. Ерда кўклам кутган кишилик
армонлари бу хандада мужассам.

Баҳор айёми!..

Саҳар айёми!..

Ана, тупроқ тирилди,
ва уйғонди дарахтлар.

Қуёшга сўз берилди.

Ичсак бўлур шу вақтлар
шарбатдек ҳавони ҳам,
ҳаводек давони ҳам.

Дардлар битар, ногиронлик, нохушлик

ўтар,

касалмандлар тузалиб кетар.

Дараларда қорлар эрийди.

Кундан-кунга улғаяётган кундузлар

кечаларнинг белин сиқиб,

соатлардан, дақиқалардан

лола ранг уфқларга рухсат сўрайди.

Бинафшанинг япроғида шабнамлар

оқ мусаллас сингари

ҳароратбахш, муаттар!..

Баҳорхоннинг ғоят кўпдир таърифи,

кўп бўлгандек шеъриятнинг тарихи.

Уни қилди тараннум

шоир, рассом, бастакор

ва ҳамма...

— Баҳор, баҳор, у нима?

— Баҳор севинч ва ёшлик,

муҳаббат ва қардошлик!

Уни гуллар айёми, чечакларнинг мавсуми,

дунёнинг табассуми —

дедик биз...

Нафис ташбиҳ шубҳасиз!

Уни дедик бир келинчак, нозанин.

Бу тимсолга офарин!

Уни дедик фазоларда нур — машъал.

Бу мажоз ҳам кўп гўзал!

Аммо бордир баҳорнинг

бўлак унвони,

хайрли кори.

у ўзидир ойларнинг ва ҳафталарнинг

дастпанжали саркори.

Бараканинг маъракаси бошланар шу чоқ,

маъраканинг баракаси ишланар шу чоқ,

бурчлар учун пойдеворлар қўйилар шу чоқ,

аҳду қасам мрамрларга ўйилар шу чоқ.

Деҳқон сочар шу чоқ уруғин,

тозалайди мироб ариғин.

Шоир қўяр сарлавҳасини

янги асарнинг.

Чечаклардан эмиб келтирар

арилар ҳам илк қатрасини

хушбўй асалнинг.

Истайманки, баҳорларга чўкмасин губор.

Чотқол тоғдан эсиб келган шаббодаларни

такрор ва такрор

қучиб олмас кўксим билан ва ўпкам билан,

умр фаслин ўлчасам шу кўклам билан.

Истайманки, туғруқхона деразаларидан

келаётган «инга»ларнинг ортсин адади.

Ва дунёда яхшилиқнинг ошсин омади.

Истайманки, чаптаст устоз Абдулғафурнинг

алангали байтларида яшасин баҳор,
баҳорнинг нашидаси.

Анҳорнинг қасидаси...

Баҳоримиз ҳусн ила қувватнинг иттифоқи.

Қўшиқ билан меҳнатнинг бирлиги.

Севги билан синовнинг жўр бўлмоғи.

Коммунанинг ишонч, жасурлиги.

Баҳорларнинг аълосидир бизнинг Совет

баҳори.

Эркинликнинг тупроғида баҳор бизнинг

граждан.

Унга «уста Баҳорхон» .

Дейишимиз шу важдан.

1964 йил, апрель.

ҚУЁШ ДЕРКИ:

Баҳор келди, қуёш чиқди оламга,
Қизил қуёш кўп ярашар кўкламга.
Қуёш келди, қалбларга қувонч чўкди,
Дунёмизнинг қуббасига нур тўкди.
Қуёшнинг ҳам ўз тили бор албатта,
Уни англар тилчи эмас, пахтакор.
Деҳқон билан қуёш ҳамкор меҳнатда,
Ҳамда шоир бу луғатдан хабардор.
Қуёш дерки: — Ерга ёруғ сочаман,
Қучоғимни эркинликка очаман.
Инсонларга уқдираман ҳақини,
Қардошликни, ижодни, тараққини.
Мен табассум бағишлайман юзларга,
Мен латофат келтираман қизларга..
Ерга ҳаёт, қўлга қувват бераман.
Зулматларни ҳайдаб ғорга сураман.
Ишловчини, ишни яхши кўраман,
Эркни севиб ва кузатиб юраман!
Шу учун ҳам энг кўп турган манзилим

СССРнинг бу бепоён тупроғи.
Ҳароратдир чаманимда ҳосилим,
Эркин меҳнат аҳли ишда ўртоғим!
Лекин бордур, афсус, нур ўғрилари.
Тўсиб турар ёруғимни нокаслар.
Аммо, бир кун куйдираман мен барин,
Бадкирдорлар асти мангу эмаслар.
Олқишлайлик, баҳорнинг ширин дамин,
Олқишлайлик, дўстлар, қуёш, байрамин!
Олам бўйи ёруғ кунлар бўлсин бор!
Гўрга кирсин зулм, зулмат, ваҳшийлик!
Қуёш ўзи Коммунага дастёр.
Қуёш — яъни тинчлик, дўстлик, яхшилик!

1963 йил, май.

ДУСТЛИК НАВОСИ

Ойларга байрамлар нақш бўлиб тушар,
Китобга сарлавҳа шундай ярашар
Бу тўйни олқишлар авлоди-башар.
Уфқда жаранглар дўстлик навоси,
Ботирлик, тантилик, ростлик навоси.

Баҳор байрамига эришганлар шод,
Гуллар яшнай берса — кўнгиллар обод.
Кўкламни кўкартган, ахир, одамзод.
Дунёга таралсин шу ой ҳавоси,
Йил бўйи дилларда Бирмай ҳавоси.

1965 йил, май.

Дўстлар, сизга янги йилда тилакларим бор:
Шу улуғвор йўлингизда бўлинг барқарор...
Қўшилса ҳам умрингизга паспортда бир йил,
Юрагингиз қаримасдан тепсин муттасил.
Коммунизм боғларига етгайсиз омон,
Бахтлар қасрин қураётган бинокор —

«ҳорманг!»

Уйлaringиз шинам бўлсин, дастурхон бўлуғ,
Ишларингиз ўрин топсин, тилакдай улуғ.
Бориб қолса шояд доктор сизлар томонга,
Қасал кўриш учун эмас, борсин меҳмонга.
Иноқликда яшаб турсин қўни-қўшилар.
Аҳилликда гўё туққан оға-инилар.
Почтальонлар олиб келсин хушхабар хатлар.
Болалардан кўргайсизлар иззат-ҳурматлар.
Меҳнатингиз эвазига «Раҳмат!» эшитинг.
«Сен Ватанга яхши қилдинг хизмат!»

эшитинг.

Уфқингизга нурлар сочсин қуёш ҳамниша,

Дилингизга ҳеч кирмасин қўрқув-андиша.
Янги бахтлар шарафига кўтаринг шароб.
Яхшиликлар ғолиб бўлсин, ёмонлик — хароб!..
Шодлик кулиб, ғам қолмасин дилларда сира,
Қолмагандай қадаҳларда майдан бир зарра.
Жарангла, хурсандчилик!
Омон бўлгин, юрт ва ер!
Оламда сен енг, тинчлик!
Мангу яша, СССР!

1961 йил, 1 январь.

ПАХТА ҒАЗАЛИ

Ўттиз йилдир мен пахтага юзлаб қўшиқ
битганман,
Ҳар баҳорнинг ваъдасига кузда жавоб кутганман.
Чигит билан бошлаб шеърим таржимаи ҳолини,
Ғўза тенги ёзнинг олтин ҳавосини ютганман.
«Қаерликсан?» деб сўрсалар мен кезган
шаҳарларда,
Пиёлада ғўза нақшин мандат қилиб тутганман.
Не яширай, пахта бизнинг кайфимизга ўлчовдир,
План тўлса бошим билан осмонга етганман.
Майли, қадим ғазалчилар арузнинг байтларида
Дилбарларни мақтаганин китобда кузатганман,
Аммо мен-чи: меҳнаткашнинг қўлларини
ҳурматлаб,
Содда «бармоқ» вазнимизда пахтани мадҳ
этганман.
Ўзбекларнинг ҳимматини қутлаганда бутун эл,
Қувонгандан қайғуларни, дардларни унутганман.
Пахта-ку бир баҳонадир, шу туфайли халқимнинг
Вафосини куйлаб-куйлаб, куйли йўллар ўтганман.
Ўлкадаги оқ денгизлар кема кутар ва ғаввос,
Оқ инжулар жилвасидан завқу нашъа тотганман.
Бир чойнак чой теримчининг чанқоғини
босгандек,
Мен шеъримга:— теримдош бўл,— деб тайинлаб
айтганман.

1963-йил, августь.

МАРҲАБО, ЯНГИ ЙИЛ!

Келдинг, яна, азизим,
менинг умр дафтаримда
бир ёш ошириб...
Не қиламан яшириб?!

Ахир, бизнинг шу коинотда
замон пайдо бўлгандан бери,
у ҳамиша юрган илгари,
фақат илгари!..

Мен шу йилга:
«Марҳабо!» дейман.
Пешвоз чиқиб,
севиб сийлайман.
Оқ нейлондан пўстин кийган
келин сингари,
бир келинки,
хаёлларда сузган илгари —
уни кўтиб оламан,
гуллар тутиб оламан...
Юракдаги орзулардек

кутиб оламан.
Ёзилмаган мавзулардек
кутиб оламан.
Висол кунин тонги каби
кутиб оламан.
Табассумнинг ранги каби
кутиб оламан.
Хуш келибсан,
азизим,
сен Ернинг куррасига!
Тезлат башар сафарин
бахтларнинг маррасига!..

1965 йил, январь.

ЎЗБЕК, ТУРКМАН—БИР ДЎҒОН, БИР ТУҒИШГАН

Ўзбек, туркман — бир дўғон, бир туғишган,
Тарих деган бир мактабда ўқишган.
Дарёлардек қадим бизнинг йўлдошлик,
Ғоят қутлуғ удум дўстлик, қардошлик,
Бир чоғларда жўшқин қалбли бахшилар,
Дилимизга, тилимизга соқчилар —
Дўмбирани чертиб шундай дедилар,
Ҳар сўзида улар ростгўй эдилар:
«Ўзбекларнинг кўнгиллари жўш урди.
Туркманларнинг бедовлари югурди.
Икки элнинг қизиса ғайратлари
Икки дарё тўлқинлари тек турди».
Бахшиларнинг қўшиғига тан бердик,
Эрк байроғин аҳил бўлиб кўтардик.
Туркман, ўзбек бир дарёдан сув ичди,
Қурашларда доvon ошди, чўл кечди.
Қовушгандек Оролнинг денгизида
Сирдарёю Амударё абадий,
Икки халқнинг йўллари ҳам шу тахлит —
Бир толенинг бағрида бирлашади.

1964 йил, 24 октябрь.

*Қосмонавт Белляев ва Леоновларнинг
парвозига боғишланади*

Фазога илк марта учганда инсон,
Ер юзи тан бериб бўлганди ҳайрон.
Киши қайта-қайта учди фазога,
Аммо таажжублар камаймас бир он.
Чунки, ғоят кўпдир само йўллари:
У бир сўқмоқ эмас, бир кўча эмас.
Ҳар қайси парвознинг ўз вазифаси,
Ҳар қайси парвозда янгича нафас.
Ҳар қайси парвознинг бир муҳлати бор,
Ҳар қайси парвозда янги парвозкор.
Бу гал икки шунқор отланиб кўкка
Офтобга «ассалом!» дедилар тикка.
Космос кemasи жавлон қилади,
Икки зот жуфт бўлса, эмаслар якка.
Бу — Ойга саёҳат машқидур, дўстлар!
Зухра жамолининг ишқидур, дўстлар!
Совет Ватанининг юксалиши бу,
Самовот мулкидан жой олиши бу.
Чинакам оқ йўлдир юлдузлар йўли,
Иқболга йўл олган улуслар йўли.
Таажжуб қоплайди дилимни шу дам:

Не-не оламларни топгуси одам!..
Замон янги йўллар замонасидир,
Таажжуб шеъримнинг таронасидир.

1965 йил, март.

СССР халқ артисти Шукр Бурхоновга

Яхшилик куйида инсоннинг хулқи
Турли шаклларда бўлар намоён.
Мардлардан иборат мард совет халқи
Ботирлик рўйхатин тузди беноён.
Турлича жонланар қаҳрамон иши:
Ғайрати, ҳунари, ишқи, турмуши.
Қаҳрамонлар борки, жангда-майдонда
Ватаннинг эркини қўриқлаганлар,
Жонни аямасдан, беланиб қонда,
СССР байроғин улуғлаганлар.
Қаҳрамонлар борки, шонли меҳнатда —
Элнинг неъматини, нонини ғамлар,
Иморатлар қурар шу мамлакатда,
Машина юргизар, кўкда қадамлар.
Учинчи тоифа қаҳрамон борки,
Яратар чин инсон қиёфасини,
Ўзининг ролига шунча хушторки,
Шунчалик уққанки вазифасини,
Ўзининг номини унутиб паққос,

Уйлар қаҳрамоннинг паспортига мос,
Эшитар минг-минглаб қалбдан ташаккур...
Шу тахлит фусункор артистдир Шукур.
Шукурни саҳнада бир кўрган киши
У кеча ухлаши мумкинми?— Гумон!..
Томоша аҳлининг эзгу хоҳиши.
— Кошки шукурона бўлсам қаҳрамон!..
Сенинг жавлонингни сайр этиб ҳар дам,
Сенга дўстлигимга бўламан хурсанд.
Сен билан чой ичдик бир пиёладан,
Сен — Бурхон акамнинг ўғли Шукурсан!..

1963 йил, январь.

Майсалар сочини силаб тарадим,
Чаманда лолага қувнаб қарадим,
Нозли бинафшага даста ўрадим,
Хандага ўхшаган гулдан сўрадим:
— Эшитинг, соғинчли аризаларим,
Айтинг-чи, айтинг-чи, азизаларим:
Қаердан бу нашъа, бу очиқ чирой?
Дедилар:— Ойларнинг сафида бир ой
(Ки уни одамлар атаганлар Май)
Чорлайди тупроқнинг табассумини,
Дўстликнинг, севгининг чин мавсумини,
Одамзод наслининг биродарлигин,
Саодат ҳақининг баробарлигин.

* * *

Ўйноқи елларга кўксимни очдим,
Дадил шалоладек ўйнадим, тошдим,
Юлдузга фазокор каби туташдим,

Кун билан оғайни бўлиб сўрашдим.
Уларга айтдимки, мен гоҳи, гоҳи:
Авжингиз қалбимнинг мангу ҳамроҳи.
Сизлаги бу мардлик, қувноқлик қайдан?
Дедилар:— Баҳорнинг қалби шу Майдан.
Биздаги жасорат, биздаги кенглик,
Биздаги мағрурлик, биздаги «менлик»
Берлинда ғалаба маррасидандир,
Совет аскарларин «урра»сидандир,
Шаҳидлар қонининг заррасидандир,
Келгуси замонлар куррасидандир.

* * *

Баъзан тасодифий ҳодисалар бор,
Бизни севинтирса кўнгил миннатдор.
Майимиз ҳуснига тўйлар қўшилур,
Буни Шарқда дерлар:
— Нур устига нур!..

«Қисмат бўлмас кетай узоқ йўлларга,
Насиб қўймас, кетган йўлим боғлар, ҳей,
Ҳайрон Мажнун бўлиб чиқай чўлларга,
Бориб, маскан тутай сизни тоғлар, ҳей!
Маъни англайг, Маҳтумқули сўзидан,
Фикрин эзар, қон ёш оқар кўзидан,
Ҳамма зотлар ўзгаради ўзидан,
Ераб, йиқилмасми, буюк тоғлар, ҳей!»

(Маҳтумқули.)

Эй, оқсоқол, эй, туркманнинг отаси,
Шарқли бахшиларнинг зўри, каттаси,
Ерни ёқди кўз ёшинг ҳар қатраси,
Сени эслаб кўк чашмалар йиғлар, ҳей!

Таърифларинг кетди етти иқлимга,
Қўшиқларинг ғолиб келди ўлимга.

¹ 1962 йил 27 ноябрда Тошовуз область Ленин ра-
йонидаги Тельман номи колхозининг мактаб болалари
Маҳтумқулининг шеърлар тўпламини (девонини) менга
ҳадя қилган эдилар. (М. Ш.)

Кўнгил бериб ғазалингга, тилингга —
Қизлар сени тушда кўриб ухлар, ҳей!

Сен инсофни, яхшиликни куйладинг,
Сўзнинг тўғри маъносини сўйладинг,
Зулмни, золимни расво айладинг —
Ёв бағрини тилди шеърий ўқлар, ҳей!

Гўрўғлидек сен мард эдинг, чавандоз.
Аммо қўлда қилич эмас, торли соз,
Булбулларга ўзинг эдинг ҳамовоз.
Шу деб сени соғинибдур боғлар, ҳей!

Авлодларинг зулм аждарин бўғолди,
Халқ танида жароҳатлар соғолди,
Талқон бўлиб ерга чўкиб йўқолди —
Эл-элатни айирган у тоғлар, ҳей!

Чаман яшнар қадим чўллар тўшида,
Келгин сенинг ўрнинг тўйлар бошида,
Ҳақнинг бор-ку элнинг тотли ошида.
Келиб қолди сен чақирган чоғлар, ҳей!

Диёрингни келиб кўрдим кўзим-ла,
Шайхзодаман, дерман юрак сўзим-ла,
Ўзбекнинг шоири чуқур таъзим-ла,
Девонингни ўпиб дилда сақлар, ҳей!

*Туркменистон. Тошовуз.
1962 йил, ноябрь.*

ШЕЪРИЯТ ДИЁРИН ШОИРЛАРИМИЗ...

ХИЁБОН

— Шоир Миртемирга —

Луғатларда ўқигандим болалик чоғи:
Дарахт бўлса агар йўлнинг иккала ёғи
Уни дерлар «Хиёбон»,
(йўлчиларга соябон)...

Умрим йўли бир хиёбон дея ўйладим.
Шу туфайли боғу чаман куйин куйладим.
Шаҳарларим кўчаларин тинмайин кездим,
Дарахтларнинг сони қадар мисралар тиздим.
Қундузлари хиёбонда пана изладим.
Ваъда берган бевафони оқшом кўзладим.
Оҳ, ёшликнинг оқшомлари ўхшамас тунга,
Ёшликдаги тунлар ўзи қовушар тонгга.
Оқшом пайти хиёбоннинг гашти ўзгача,
Зумрад кўзли илк баҳордан олтин кузгача...
Тобланганда фонусларнинг нури баргларда,
Барглар уни олқишларди шўх чапакларда.
Мен Бокуда, Доғистонда, Дарбанд томонда,

Москвада, Самарқандда ва Андижонда
Неча ларзон сояларда излар қолдирдим,
Неча ёзу, неча созу, сўзлар қолдирдим.
Хиёбонлар яшар эди хотиротимда,
Балки ҳар бир қўшиғимда, нақаротимда.
Яшар эди бўсаларнинг тўплами каби,
Севгиларнинг апрелдаги кўклами каби.
Уйғонсам-да унутилмас ширин туш каби,
Мени тушдан уйғотолган сайроқ қуш каби.
Хиёбонлар кўрганманки, хаёлот йўсун,
Маснавийнинг байтларидек хушбичим, узун.
...Аммо толе мени доим эркаламади,
Баъзан замон йилни йилга ҳеч уламади.
Саҳроларга дуч келдимки, на ирмоқ, на кўл.
Сургулларга юборилдим, на уфқ ва на йўл,
Лекин доим эсда эди хиёбонларим.
У йўлларда яна кезмоқ чин армонларим.
Ноумидлик шайтонда,
Умид ўлмас инсонда.
Қулаганда ғаразларнинг шумшук ҳайкали,
Шеъримга ҳам келиб қолди тирилиш гали.
Чиқиб қолдим Ватаннинг кенг хиёбонига,
Хиёбонки, элтар ёруғ нур давронига.
Аммо, энди бу хиёбон ўлчовли эмас,
Кўча эмас, боғча эмас ва ҳовли эмас.
Якка толе офтоби бир оқшом чўқар.
Елғиз умр хиёбони бир куни тугар.
У ё денгиз ёқасида адо бўлади,

Е шаҳарнинг орқасида битиб қолади,
Е тоғларнинг этагида охирга етар,
Мисли бахши эртагида можаро битар.
Аммо тарих хиёбони битмас уфқда.
Башар ўзин тарихига қўймайди нуқта.
Зеҳнимга шу тушунча
Келмади осонликча.
Қиссамга чин гувоҳ, боқ —
Сочларимга тушган оқ...

1965 йил, февраль.

ШЕЪР, ЧИН ГЎЗАЛЛИК СИНГЛИСИ ЭКАНИ..

Шеърсиз қалбларга ачинаман мен,
Уларда на тонглар кундузни бошлар,
На оқшом юлдузлар уфқин очар кенг,
На баҳор чоғида сайрайди қушлар.

Қўшиқсиз уйларга кулги ёқмайди,
Хонадон аҳлининг қовоғи осиқ.
Хатто деразадан қуёш боқмайди,
Соатнинг ўзи ҳам тиқиллар босиқ.

Шеърсиз кўчани толе қарғаган,
Бу жойда севгининг манзили бекик...
Қувонч бунда кезар кайфи тарқаган —
Кекса хуморидек қомати букик...

Бечора одамлар, билмаски, улар,
Шеър чин гўзаллик синглизси экан,
Ҳар кимки у билан севишса агар —
Ҳуснига чиройлар қўшилар айнан.

Шеърят диёрин шоирларимиз,
Ҳар уй, ҳар кўнгилга байтлар бўлсин ёр!
Элга дастёр бўлса шеърларимиз —
Демакки, умримиз ўтмабди бекор!..

1963 йил, 19 декабрь.

ИНСОН, ШЕЪР ВА ШОИР

Гарчи, биз кўп ўйлаб машиналарни —
Чиқардик донишманд ускуналарни,
Аммо биз на ашё ва на буюммиз,
Биз дунё соҳиби,
жаҳон уйимиз.

Биз инсон ўғлининг фаол ўғлимиз,
Ақлли қўлимиз,
қўлли ақлимиз.

Биз инсон қизининг ҳалол қизимиз
Яратган осмонда эмас,
ўзимиз...

Инсондир оламда улуғ муаллиф,
Қилди китобига сирларни таклиф.
Саройлар, чиройлар, куйлар яратган,
Қалбларни яхшилик сари қаратган.
Ариқларда сувни шовиллатган у,
Газлардан оловни ловиллатган у.
Ердан ва ҳаводан ғунча чиқарар,
Фазо диёрига кўча чиқарар.

Юлдузлар товушин эшитган ўша.
Узумдан шаробни пишияган ўша.
Шаҳарлар кўркини безайдиган у,
Бўсадан зурриёт ясайдиган у,
Йилни уюштирар дақиқалардан,
Минг йиллик осори-атиқалардан
Келаси давронга саломлар элтар,
Тунларни кузатиб, кундузни кутар.
Қалбида эрк билан кўрки жамлаган,
Башарнинг иқболини, нурын ғамлаган —
Инсон шарофати шеъримга мавзу,
У билан мушарраф қўшиқ ва ёзув.
Ҳа, бундай тарона қуёшга фарзанд.
Ундан юлдузлар ҳам, гуллар ҳам хурсанд
Мисрага юкланса оғир ўй-хаёл,
Майли, ўша байтим аталсин ҳаммол.
Мисрага туйғулар бўлсалар ҳамкор,
Аталсин у байтим учағон шунқор.
Шабада соғинган япроқлар каби,
Шеъримни қўмсасин ошналар қалби.
Мен ҳам замонага очиб қучоғим,
Қутлайин Ватанни, эрklar ўчоғин.
Қуйни сиёҳ билан ёзиш шарт эмас,
Қўшиқлар юракка етса, ўзи бас.
Одамнинг, оламнинг ҳуснин олқишлай,
Уларга севгимнинг вазнин бағишлай.
Сатрлар чизайин мен деворларга,
Қуйлайин сувларга, жониворларга.

Булутга чертайин томчилар нақшин,
Ойда акс эттирай қизлар боқишин.
Ўй қояларга елнинг суратин,
Ва замон бағрига асрим савлатин.
Булар-ку, орзулар. Орзуга айб йўқ.
Ният зўр бўлмаса — нашъа йўқ, кайф йўқ

1964 йил, 24 май.

ҲАР ГУЛНИНГ ЎЗ МАВСУМИ БОР

Биллур шамдек сумалаклар томлардан осик,
Дарахт гўё мўйсафиду мўйлаби ўсиқ.
Ез кунларин гўё тушда кўриб ҳар замон,
Оқ кўрпасин зап ёпиниб ухлар хиёбон.
Тўнғич фарзанд кутганидек лобар келинлар,
Қорли қишнинг баракаси ёзда билинар.
Қиш баҳорга ҳомиладор бўлиб кезади,
Муҳлатининг ўлчовларин аниқ сезади,
Сир эмаски, ҳар бир гулнинг ўз мавсуми бор,
Муз гулларнинг ўзга ҳусни, табассуми бор.
Тупроқ қордан елкасига оқ либос кийган,
Худди нейлон пўстинларга ўхшаган экан.
Уни кўкда тўқибтикан қайси кимёгар?
Ва сотибди ер юзига қайси савдогар?
...Аммо менинг дилбарларим ясениб кийган
Пўстинларни тиккан асл нейлондан тиккан.
Ваҳоланки, қор кийимнинг чидами озроқ,
Лўнда қилиб айтганимда, сифати пастроқ...
Тезда олтин игначалар қорга суқилиб,—

Қун нафаси қор қатламин эзиб сув қилиб —
Ариқларга юбормаса ҳовузлар тўлмас,
Ахир, дўстим, қиш бўлмаса баҳор ҳам бўлмас.

1965 йил, 14 февраль.

Шўртепанинг алоҳида бир гашти бор кечаси...

Алалхусус август чоғи,

ой сузилиб куларкан.

Гўё асал денгизида бутун води,

Тоғ ва йўллар нур ичида чўмилар.

Аммо, бу ер беморхона,

мен хаста.

Дарду даво пайваста.

Хиёбонлар орасидан яшил йўллар кўринар.

Лекин, бунда касалмандлар кезолмайди. Йўқ!

Ой жилмайиб чақиради чаманга,

сой йўталиб чақирар анжуманга.

Булбулу гуллар эса,

соҳилдаги зиёфатга, меҳмонга.

Аммо... аммо бу йўллардан,

бу хилват, ушбу йўллардан

хаста киши боролмайди... Кўп аттанг!

Унинг-ку, боргуси бор

албатта;

Бироқ, золим касалликнинг ўз иплари бор.
Ҳар бир беморхонанинг табиблари бор.
Ундан кўра хастага
Кўройдин тунлар маъқул.
Кўрмайсан, лекин эшитасан оламни,
кезмайсан, лекин сезасан оламни.
Разм солиб тинглайман...
Болохонада,
айвонда менинг ётоғим.
Ҳар товушнинг бор ҳикмати
ва ўз сабаби,
борлиқдаги ҳар бир ҳодиса каби.
Ана кўппак эснаб-эснаб увиллайди.
Демак, ҳозир ўтиб кетди уйига томон
шаҳардан қайтаётган бир боғбон.
Ана машинанинг ўлчовлик нафаси,
бугун шанба:
шаҳардан боққа келди бир меҳмон.
Ана девор орқасидан,
балки, жар ёқасидан
ҳаволанди ашула:
оҳ ила, қайғу ила.
Уни айтар бир йигит,
ёр кўйида бўлиб хит.
Нақадар зулмкорсан, эй муҳаббат!
Ухлатмайсан ошиқни,
Ухлатмайсан қўшиқни,
Ухлатмайсан ошиқ билан қўшиқни.—

бу майли!
Ухлатмайсан беморларни,
ухлатмайсан мени ҳам,
хотиралар қўзғатганинг туфайли.
Ана товуш:
синчалаклар чийиллар,
Чигирткалар чарчамасдан чириллар.
Ажабо, бу шўх махлуқлар
қай соатда тинч ухлар!
Зотан, бу жониворларни
зўрлаб ётқизадиган
докторлар йўқ чамаси.
Ё умуман улар касал бўлишмас:
дарди бўлмас андишасиз махлуқнинг.
Ё туну кун уларга бир ҳаммаси.
Ёки уйқу нималигин билишмас.
Ана бошқа товушлар бор ҳовузда,
вақирлар қурбақалар.
Сувда жимлик йўқолар.
Тавба, булар шунча ҳам беғам,
аҳмоқона шавқ ила хуррам.
Бу ҳовуз улар учун ягона олам:
туғилиш бунда,
 кўпайиш бунда,
 ўлим ҳам бунда.
Сира сузиб қийналган эмаслар тўлқинда.
Вақт ўтади,
бир лаҳза,

бир дам...

Қаҳқаҳалар янграб кетар олисда,
бозор томонда.

Хирилдоқ бу қаҳқаҳа кимники?

Бу чамаси, бир сархушники...

у жимиди. Учиб кетди.

Ёки уни олиб кетдилар —

шериклари уйига,

мунтазир хотинчаси олдига.

Визиллайди энди ювош шабада,

товушида уйқуларнинг ипак хиромонлиги,

ёки иноқ оиланинг майин меҳрибонлиги.

Бу нағмани бирдан босар йироқдан

тун қоровулининг нидоси:

— «Қим керак?»

Йўловчидан йўқ дарак...

Фақат, бу саволнинг акс-садоси —

«кийим ке-раааа-к...»

бориб қўнар теракларнинг шохига.

Унга ҳамроҳ бўлиб ишлар тинмасдан,

худди тўғри соат каби дам олмай,

кичик ирмоқ Чирчиқ наҳрин синглиси.

Элга қилар хизмат у.

Шариллайди сувлари ширин-ширин

энг ёқимли таронадек,

ғўдакликдан эсда қолган

сеҳрли афсонадек.

У шундайин мунтазам оқадики.

унинг товуши ҳам одат бўлиб синггандир
қулоққа
юракнинг тепишидек.
Сонияларнинг бири бири кетидан
отланиб чопишидек.
Гўё сукут туғилади шу бирхилликдан.
Лекин, йўқ!
Сукут қайта бузилди
ҳаётдаги сахийликдан.
Трактор тарсиллайди далада.
У саҳарни иш бошида кутмоқчи,
албатта...
Товушлар... товушлар...
Хастанинг қулоғига келиб етар
яқиндан, узоқдан,
ҳар ёқдан.
Товушлар бор, демак — ҳаёт бор.
Товушлар бор, демак — ўлим йўқ.
Товушлар бор юртнинг тунда,
демак, жон бор унинг танида,
демак, биз ҳаммамиз тирикмиз.
Тирикликда эса тиним йўқ.
Умидворман, умидворман, муқаррар:
ҳеч қаерда,
ҳеч қачон
яхши инсон ўлмайди,
унутилмайди.
Шунча мадор, севинч ва ишонч

қуйиларки, менинг хаста танымга —
розиман бутун куррамиз учун
бир карра мен тортсам барча дардларни.
Агар мумкин бўлсайди бу..
Аммо бу амри маҳол.
Яшамоқ керак, курашмоқ учун
курашмоқ керак, буюк ғояга
эришмоқ учун.
Товушлар, сиз тинманг, сизга муштоқман!
Англайманки, энг яхши дору хастага —
хастанинг табибга эътимодидур,
ҳаётнинг ўлмаслик эътиқодидур.
Эшитилар яна товушлар:
ҳа, бу — навбатчи докторнинг қадамлари.
Ҳа... кўзларни юмиб «ухламоқ» лозим.
Кўзларни юмиб уйғоқ дунёни
тингламоқ лозим!..

Шўртепа. Беморхона.
1961—1962 йиллар, август.

Шамолни кўз билан кўриб бўлмайди,
 Унинг на ранги бор, на қиёфаси.
 Рассом ел суратин сола олмайди,
 На эни, бўйи бор, на масофаси.
 Аммо ўткир кўзли моҳир санъаткор
 Лавҳада шамолни кўрсатар бизга.
 Суратда на оқим, на тўлқинлар бор,
 Аммо ел ошкор кўзларимизга.
 Нега? Бу қандай гап? Қаерда сири?
 Шамол йўқ. Кўринар аммо таъсири.
 Лавҳада дарахтлар чапга эгилган.
 Шохлари жанубга қараб букилган.
 Мўридан тутунлар буралиб қалқар,
 Аммо таноб тортиб жанубга оқар.
 Лавҳага қарайман, англайман тамом:
 Демакки, шимолдан жанубга қараб,
 «Пўшт, пўшт!» деб ўзига очиқ йўл сўраб
 Эсган бир шамолни яратган рассом.
 Кунчиқар уфқидан қалққан офтоб

Нурларин ювади шамолда шу тоб.
Нашъали ишчисан, баҳорги шамол,
Юртнинг йўлларини супургувчисан,
Тириклик юкини ортган тез ҳаммол,
Турғунлик деворин ўпирувчисан.
Ишингни болайсан ёзиб қулочинг:
Сувларни ўйнатиб, чивинни қувиб,
Чаманлар қўйинини ғубордан ювиб,
Силайсан сен бедор ошиқлар сочин...

Қушларни уйғотиб, туманни қўзғаб,
Очасан дераза пардаларини,
Севгилар ортилган отингни шиғаб
Топтайсан хусумат зардаларини.
Йигитлар уйқусин олиб қўясан,
Қизларнинг қалбига соғинч қуясан...

Сен ўз вазифангни қиласан адо,
Ваъдабозлик қилмай, мақтанмай асло.
Ва баъзи ишққмас ёзувчилардак,
Асар ёзмай юриб олмайсан бўнак.
Ҳавасим келади тўлқинларингга,
Эй, баҳор бағридан туғилган шаввоз.
Кўз ташлаб меҳнатинг якунларига —
Ишларда қоматинг кўраман паққос.
Биламан, ҳар қандай ҳаво-ю ҳавас
Шамол туғдирмоққа кифоя эмас.
Шу учун ҳавонинг қайнаши лозим.

Айғирдек сувлуқни чайнаши лозим.
Қолоқ соатларнинг ёриб ўтини,
Тонгда ловиллатиб замон ўтини —
Эртани қўлтиқлаб ўйнаши лозим.

1962 йил, июль.

БИНАФША

Романс

Ўйларнинг томида бор ҳали қор шиша,
Музлайди февралнинг календарь барглари,
Мен сенга келтирдим бир даста бинафша.
Бир даста бинафша... Вассалом... Шу бари.
«Эҳ, арзон совға!» деб куларсан, билмасанг,
«Менга?!— Ҳа!» қувониб оларсан англасанг!

* * *

Чароғлар базмида, ҳашамат, нур ичра,
Эртақ парисидек қилганда сен жавлон,
Юзингга тикилиб боқолмайман сира.
Ўғринча бир қараш. Фақат шу... Вассалом.
Бу сенга лоқайдлик туйилар, билмасанг
Бу ўйлар айнимас севгидур, англасанг.

* * *

Сен билан хилватда дунёга эгаман.
Ҳислардан қалбимда тиқилинч, издиҳом.

Сенга-чи, гапира олмайман, нега ман?!
Фақат «ҳа» деган сўз... Бир бўгин... Вассалом.
Бу балки гўлликдир, агарда билмасанг,
Бу соқов ғазалдир, сукутни англасанг.

* * *

Бинафша... Камтарлик... Ва сукут — ҳеч бири
Кибрли кўзларда маънога бой эмас.
Лекин бор уларнинг охир ўз томири:
Қийқириқ — куй эмас, кўпиклар — сой эмас..
Бинафша! Бинафша! Оҳ, умринг шунча оз!
Аммо сен гул фаслин бошлайсан дилнавоз!..

1962 йил, апрель.

Дўрмон.

БУ КЕЧА...

Бу кеча бутун коинот ухламас.
Нега мен ухлайин оламдан беҳабар?!
Ҳозир туриб ётоғимдан мен
боққа, йўлга чиққум келади.
Одамларни ўпгим,
майсаларни узиб сиққум келади.
Доктор эса бермас ижозат.
«Қон босими ошиқ, дер сизда».
«Асабият бор сизда», дейди.
«Склероз бор, дейди сизда!»
Ётмоқ керак, ухламоқ керак,
тиб илмининг барча ҳикматин
интизом билан оқламоқ керак.
Йўқ, бу кеча ухлаб бўлмайди,
табобатнинг ҳикматларин оқлаб
бўлмайди.

...Учганида чироғ айвонда,
гушиб кетдим орқа нарвондан.
Яширинча кирдим боққа мен.
Доктор мени уришар, албатта,
таъналар эшитарман катта.
У, албатта, ана-мана дер.

насиҳату алланима дер.

Аммо ўзингиз айтингиз дўстлар:

Мен қандай чидай?

Ахир мен нетай?

Учирилган бўлса бугун самога

«Ер Йўлдоши» — совет юлдузи,

хасталикка нима дахлим бор?

Склерознинг не дахли менга?

Мен боғда кутиб турдим,

ва кўзим билан кўрдим

осмоннинг ложувард йўлларида

учиб борган олтин «Йўлдош»ни.

Ва шундан сўнг, ишонасизларми, дўстлар,

ўзгача бўлиб кетди аҳволим.

Нормасига тушгандайин қоннинг босими.

Асаблар ҳам гўё менга мутедай.

Склероз эса...

Мана менинг ҳофизамнинг қуввати:

ўша гаплар эсимда-ку, бутунлай.

Азиз доктор, меҳрибон хоним,

даволаниш тартибини бузиш бу ёмон.

Аммо шу туфайли тузалиб кетса касал —

шунга нима дейсиз, а — қадрдон?!

«Йўлдош» ҳам даво экан, хулласи калом,

Сизнинг собиқ касалингиздан

соппа-соғ салом!

Шўрпеа. Беморхона.

1958 йил. июль.

ҚУЛЛАР

Қўзларни дебдилар: «руҳнинг кўзгуси».
Уларда намоён қалблар сезгиси:
Ҳам қайғу, ҳам қувонч, ҳам ваъда, ҳам дўқ,
Шояд шу туфайли эркакларнинг йўқ —
Хушрўлар кўзидан кўзин узгиси.
Қўзларни қалбларнинг тилмочи дедик.
Қалбларнинг сирига шу билан етдик.
...Негадир, одамнинг қўллари, бироқ —
Шоирлар лутфидан қолибди йироқ.
Ҳолбуки, қўлларнинг ҳар сиқувида
Не-не маънолар бор, аломатлар бор.
Бунга ким разм қўйса, ўз уқувида
Қўлнинг эгаси ҳам унга ошкор.
Қўллар бор — мулойим, ғоят шафқатли,
Қўллар бор — аёвсиз, ёвуз шиддатли.
Қўллар бор — ҳаётбахш қон билан илиқ,
Қўллар бор — гўр каби совуққа тўлиқ.
Қўллар бор — ишёқмас, лапашанг, танбал,
Қўллар бор — тезлиги билинар дангал.

Қўллар бор — қўйилар ундан яхшилик,
Қўллар бор — тирнайди, ёвлик, ваҳшийлик,
Қўллар бор — оширар сенга тўғрилиқ,
Қўллар бор — яширар қувлик, ўғрилиқ.
Қўллар бор — мағзида мардлик, қўрқмаслик,
Қўллар бор — рамзидир қўрқоқлик, пастлик.
Қўлдаги хусумат ёки дўстликнинг,
Уятсиз ёлғоннинг ёки ростликнинг,
Қўлдаги сахийлик ё бахилликнинг,
Боиси нима шу хилма-хилликнинг?
Шеъримнинг аввалин ёдингга келтир:
Нима деган эдим кўзларга доир?
Кўзлар юракларнинг кўзгуси дедим.
Бу сўзда ҳеч хато қилмаган эдим.
Хўш, қўл-чи? Қўллар-чи?
Бу қўллар, қўллар!
Қўлларни қайси бир таъриф маъқуллар!
Дарахт белгилайди кўланкасини,
Қўллар ҳам қўллайди ўз эгасини.
Буйруқни бажармоқ қўл ҳунаридир,
Ҳа, қўллар — юракнинг навкарларидир.

1964 йил, май.

ОИ БИЛАН СУҲБАТ

Сен азалдан коинотда Ер куррасига
сингил эдинг ва ҳамроҳ.
Одамзодга хола бўлдинг
хоҳ-нохоҳ...
Минг йиллаб, минг-минг йиллаб
дунёмизнинг сирларидан
ўзингсан огоҳ.
Фазоларнинг атлас парда осилган
ложасидан
бизга қараб йўналганди бир дурбин.
Ҳа, бу-ку сен ўзинг эдинг,
ҳей, синчков томошабин!..
Еки ўша самовотда бўлиб ўроқ мисоли
балки қулоқ мисоли —
тинглар эдинг Ер олангининг
қўрасида бўлиб турган ҳодисаларни.
кувончларни ва ғуссаларни.
Ошиқларни кузатдинг
боғнинг хиёбонига.

Қулоқ солдинг уларнинг
пичирлаб-пичирлаб
ичган онт-паймонига.
Эшитдинг хасталарнинг фарёдини,
қиронларда, вайронларда дилафгор бўлганларнинг
додини, бедодини!..
Яйрагансан тўйлардаги қўшиқдан,
саратонда шилдираган ариқдан.
Бўлиб тунги соатларда чилчироқ.
ёритгансан денгизларнинг уфқини
ўмровли кемаларга.
Шуъланг ипи солинганда гоҳ
«кирса-чиқмас» турмаларга,
кўнгли чўкик хор тутқунлар
бир нафас енгил тортиб,
кўзларин артиб,
пайқаганлар панжарадан кириб келган, хилвагий
нур саломларин,
эслаганлар гумдон бўлган
эркин айёмларин!
Сен ҳар ойда ўн беш кеча мунажжимларга
рухсорингни очиб кўрсатиб,
боис бўлдинг не-не муаммоларга,
минг-минг йиллик эртакларга,
ишора-ю имоларга..
Куйчиларга илҳом бердинг азалдан.
Севгили ёр ҳуснига ўрнак бўлди мисолинг.
Кундузларга муяссар бўлмай кетди висолинг..

Шоирларнинг қўлёзмасида,
мисрасида, сарлавҳасида
равшан излар қолдириб кезгансан,
кезганингдек самоларнинг
зангори сафҳасида,—
варақларга инжуларни тизгансан.

Бизнинг Шарқда,
менинг ўзбек диёримда
қизларга ном қўйганмиз:

Моҳлар ойим,

Қамархон,

Ойпошша,

Ойқиз...

Ҳатто буюк адибимиз

Тошмуҳаммад ўғли Мусо

сенга меҳр қўйиб расо —

бут бўлсин деб ғазаллари

тўлин бир ойдек,

тақиб қўйди ўзига тахаллус —

Ойбек!..

Сенга жазман эди яхши одамлар,

севинчга, ёруққа соқчи одамлар.

Ҳаттоки бир дақиқа

тутилса юзинг,

жонсарақ фуқаро йўқотиб ўзин:

«Ой тутилиб қолди, вой!

Қўк йиртилиб қолди, вой!

Ойдиндаги ваъдалар

унутилиб қолди, вой!
Вой-вой! Вой-вой!»
Ваҳима қилишди,
инграшди ҳазин!..
Ҳа, сенга ишқибоз эди яхшилар,
кўнгли соф, хушният кишилар...
Аммо, дийдорингга йўқди тоқати
(қайси эрига ҳам ойна ёқади)—
ўғриларки, тўнаш пайтин қидирган,
ўйнашларки, оёқ учида юрган...
Уларга қоронғи хўп шерик экан.
Энди, ўзга маслаҳат бор, азизам,
маслаҳатки, кўп муаззам:
жиянларинг қўрангга меҳмон
борадиган ёвуқлашди он.
Ой бориб омон келар одамлар,
туғилар
янги мақоллар у дамлар.
«Ойимиз — ўз жойимиз!»
дейди кишилар.
Кўп жумбоқлар ечилар.
Сен бўларсан у замон
башарият масканининг еттинчи қитъаси
жуғрофия бобларидан биттаси.
У чоқда ўқиймиз биз лирик дафтаринг,
кундалик эмас,
тундалик дафтаринг...
Балки ўқирмиз дафтарингда биз

Шоирларнинг қўлёзмасида,
мисрасида, сарлавҳасида
равшан излар қолдириб кезгансан,
кезганингдек самоларнинг
зангори сафҳасида,—
варақларга инжуларни тизгансан.

Бизнинг Шарқда,
менинг ўзбек диёрида
қизларга ном қўйганмиз:

Моҳлар ойим,

Қамархон,

Ойпошша,

Ойқиз...

Ҳатто буюк адибимиз

Тошмуҳаммад ўғли Мусо

сенга меҳр қўйиб расо —

бут бўлсин деб ғазаллари

тўлин бир ойдек,

тақиб қўйди ўзига таҳаллус —

Ойбек!..

Сенга жазман эди яхши одамлар,

севинчга, ёруққа соқчи одамлар.

Ҳаттоки бир дақиқа

тутилса юзинг,

жонсарақ фуқаро йўқотиб ўзин:

«Ой тутилиб қолди, вой!

Кўк йиртилиб қолди, вой!

Ойдиндаги ваъдалар

унутилиб қолди, вой!
Вой-вой! Вой-вой!»
Ваҳима қилишди,
инграшди ҳазин!..
Ҳа, сенга ишқибоз эди яхшилар,
кўнгли соф, хушният кишилар...
Аммо, дийдорингга йўқди тоқати
(қайси эгрига ҳам ойна ёқади)—
ўғриларки, тўнаш пайтин қидирган,
ўйнашларки, оёқ учида юрган...
Уларга қоронғи хўп шерик экан.
Энди, ўзга маслаҳат бор, азизам,
маслаҳатки, кўп муаззам:
жиянларинг қўрангга меҳмон
борадиган ёвуқлашди он.
Ой бориб омон келар одамлар,
туғилар
янги мақоллар у дамлар.
«Ойимиз — ўз жойимиз!»
дейди кишилар.
Кўп жумбоқлар ечилар.
Сен бўларсан у замон
башарият масканининг еттинчи қитъаси
жуғрофия бобларидан биттаси.
У чоқда ўқиймиз биз лирик дафтаринг,
кундалик эмас,
тундалик дафтаринг...
Балки ўқирмиз дафтарингда биз

шу ҳасрат байтини фурсат келса ўнг:
«Ой ва Ер, хеш — уруғ бир кун кўришгай,
Висол насиб бўлгай ҳижронликлардан сўнг...»

Эҳтимол,
сенга бориб қўнган кунда
одамзод тополмас ҳуснингдан асар,
аммо яшатгани шеърда суратингни,
шоирлар Ердан боқиб,
тасвир этар азалий
ойлик латофатингни!

1964 йил, апрель.

КЕЧИР МЕНИ, «МАЙЛИ!» ДЕ!

Ойдин кечамизга шум соя қўнди.
Оҳ, лаънати соя, қайдан келди у?
Шу важдан ой эмас, ошналик сўнди.
Қаранг-а, арзимас шарпадан қайғу!

Агар лозим бўлса, тиз чўкай ўзим,
Тилимда, дилимда шу айтар сўзим:
— Кечир мени «майли!» де!
Кечир мени, майлими?!

* * *

Уртада ўтгандур гаплар, ғийбатлар.
Наинки, гапу сўз ишқ уйин бузса?!
Наҳот, шафтолига тўлган саватлар
Битта қурт туфайли таъмин ютқузса?!
Наҳот, бир дақиқа йилларни енгса?!
Булбул ошёнига бой ўғли қўнса?!
— Кечир мени, «майли!» де!
Унут, унут, майлими?!

Уқ яхшилиқ майлини,
Кечир мени, майлими?!

* * *

Балки, мен севгининг жазавазида
Кўзларинг имосин еча олмабман.
Гилос ранг лабларинг жозибасидан
Тириклик шаробин ича олмабман.
Бошқатдан бошланса эди йўлимиз —
Бегона қолмасди ишон, кўнглимиз!..

— Кечир мени, «майли!» де!
Узрим эшит, майлими?!

* * *

Ҳаётда гап зўрми, хотираларми?
Кечирмоқ яхшими ёки гиналар?
Жумлада сўзларми ё тиреларми —
Юрак дафтариди мангу силанар?
Ахир билмайсанми, қасосдан кўра
Кечирим лаззати ширин минг карра...

Кечир мени, «майли!» де!

Ўчир ғамни, «майли!» де!

Ичир майни, майлими?!

Унут жоним, майлими?!

1962 йил, январь.

ИЗЛАР...

Денгиздаги оқ кўпиклар
силкитар оқ рўмолларини.
Гўё мени табриклар,
ёки менга «хайр!» деб айтар.
Қим тушунсин уларнинг сигналларини!
Денгизларнинг саломида икки маъно бор:
«Хуш келдинг!»
«Оқ йўл сенга!»
қайси бирин ёқтирсанг
ўзингдадир ихтиёр.
Шу туфайли кўп кезаман соҳилларда мен,
Чунки, нуқул соҳиллар —
сафар ва йўл ва кема,
кўз ёши, бўса, нағма
кайфиятин туғдирар.
Иод ҳиди келади
бўз тўлқинлардан.
Шу сабабли бу денгиз —
«Қаҳраблар денгизи» деб аталар.

Соҳилларда кезувчи ўпкасига
тўлар тарих бир ҳаво,
ҳар ютуми сершифо.
Денгиздаги бўз сувлар
кўз ёшидек тиниқдир,
соҳилдаги оқ қумлар,
гуруч қадар аниқдир.
Бу қумларнинг устида, босилган муҳр каби,
одамларнинг оёғидан нақшлар.
Одамлар... Одамлар
из қолдириб, сўз қолдириб
ҳамиша қадам ташлар.
Мана: шошқин қадамлар.
Туфлисининг изларидан аёнки,
ёш бир хоним ўтиб кетган бу ердан.
Балки, узоқ шаҳарлардан бунга келган
бир меҳмон.

Балки, севги ваъдасига
талпинаётган жонон.
Мана, чуқур оғир излар
ўнг оёқнинг излари.
Унга ёндош тупроққа
ўйилгандир бир таёқнинг излари.
Демак, битта инвалид
ўтган бу ердан:
Тинимга чин мустаҳақ мўйсафид экан.
Балки йитган оёғи Неманнинг қирғоғида,
Балки Брест қалъасин қуршаб олув чоғида.

Тагин, ҳарбий этиклардан қолган излар бор.
Бу совет аскарларин юрганига исботдир.
Дам олинг, роҳат топинг,
менинг соқчиларим!
Бу — уйқусиз тунларнинг эвазига,
Ватандан мукофотдир.
Кичик увоқ одимлардан енгил излар бор.
Бирон бола ўтгандир шоду қувноқ, бахтиёр.
— Улғайгин ўғилгинам, эркин нафас
олиб юр!

Сенга сурур!
Сенга нур!
Оғир-оғир қадамлардан қолган излар бор.
Юра-тура хаёлланиб кезган,
ошкор.
Бу бир олим ёки шоир бўлган бегумон,
Уфқларни кузатиб завқ олган ҳамон...
Ўтиб кетган одамлар ҳар қайси ҳар хаёлда.
Ҳар бирининг бир умри.
Бир толеи,
Бир умиди.
Уларнинг номи нима?
Улар ким эди?
Улар бизнинг одамлар,
ватандошлар, ҳамдамлар
Ҳар бирида бир якун.
Ҳар бирида бир режа.
Ҳар бирининг тилагида

айтилмаган мундарижа.
Бири балки жўнаган
денгизга чўмилгани.
Бири кетган ўрмонга
дарахтлараро ётиб
кўкатга кўмилгани.
Бири қайтиб етгандир уйига.
Бири тарих музейига...
Бири кетган томошага жуфт бўлиб.
Бири эса ёр васлига
етолмасдан хит бўлиб...
Бу изларнинг ҳар қайсисида
бир инсоннинг сурати.
Чунки, дунё йўлларида ҳар киши
ўз шахсий услубида
юради.
...Аммо қумлар кўчади.
Қумда излар ўчади.
Лекин бўлак излар борки, яшар умрбод.
Излар борки,
нашъангизни айлайди барбод.
Излар борки, қилиб қўяр
кўнглингизни шод.
Яхшилик ва ёмонлик,
маърифат ва нодонлик,
қўрқоқлик, қаҳрамонлик,
таҳлика ва омонлик,
юракдаги қувончли хотиралар,

Ёки битмас яралар...
Мана булар,
бу излар —
дунёмиз уммонининг
соҳилидан кўчмайди.
Чунки инсон зеҳнидаги
ёдламоқ истеъдоди
ҳали-ҳали ўчмайди.

*Рига. Болтиқбўйи.
1961 йил, август.*

айтилмаган мундарижа,
Бири балки жўнаган
денгизга чўмилгани.
Бири кетган ўрмонга
дарахтлараро ётиб
кўкатга кўмилгани.
Бири қайтиб етгандир уйига.
Бири тарих музейига...
Бири кетган томошага жуфт бўлиб.
Бири эса ёр васлига
етолмасдан хит бўлиб...
Бу изларнинг ҳар қайсисида
бир инсоннинг сурати.
Чунки, дунё йўлларида ҳар киши
ўз шахсий услубида
юради.
...Аммо қумлар кўчади.
Қумда излар ўчади.
Лекин бўлак излар борки, яшар умрбод.
Излар борки,
нашъангизни айлайди барбод.
Излар борки, қилиб қўяр
кўнглингизни шод.
Яхшилик ва ёмонлик,
маърифат ва нодонлик,
қўрқоқлик, қаҳрамонлик,
таҳлика ва омонлик,
юракдаги қувончли хотиралар,

ёки битмас яралар...
Мана булар,
бу излар —
дунёмиз уммонининг
соҳилидан кўчмайди.
Чунки инсон зеҳнидаги
ёдламоқ истеъдоди
ҳали-ҳали ўчмайди.

Рига. Болтиқбўйи.
1961 йил, август.

БИЛАСАНМИ?

Кечалар бошингни қўйиб ухлаган
Болишинг не учун шунчалик юмшоқ?
Парқувдан майинроқ момикдан хушроқ?
Уни нимгалардан ва ким тахлаган?
Нега? Биласанми? Билмасанг эшит,
Бошимдан саргузашт ўтган шу тахлит:
Тунов кун учганда самовотда мен,
Қўрдимки булутлар учар паришон,
Югурик шамоллар қулоч очиб кенг,
Чимчилаб қувалар уларни ҳар ён.
Чопоғон булутдан бир қучоқ олдим,
Тўзиб кетмасин деб қўйнимга солдим,
Ва сенга ясадим ҳаводек ёстиқ,
То қилгай самодек севгимни тасдиқ!..

* * *

Сенинг пешайвонинг доимо ёруғ.
Манбаи қуёшнинг азалий нури.

Бу чироғ ҳазил эмас, юлдуз тенгқури,
Симсиз, киловаттсиз зиёга тўлуғ.
Нега? Биласанми? Билмасанг эшит,
Бошимдан саргузашт ўтган шу тахлит:
Тунов кун учганда мен самовотда
Қўрдимки ой сузар ғариб, кимсасиз.
Тентираб қолгандек у аросатда,
Адашиб ва ушиб титрарди, эсиз!
Ачиниб мен уни ушладим-олдим,
Ураб бир бўғчага, Ерга йўналдим.
Сенинг айвовингга осдим мен уни,
То қўранг ёритсин ҳамиша фонус.
Еруғ қўриқласин посбондек сени,
Меҳримнинг рамзини эслатсин махсус!

* * *

Уйингда туну кун чиқиллаётган
Соатда бормикан бирор сир-асрор?
У-ку сира тинмай тиқиллаётган,
Аммо на калиту, на бузов даркор.
Нега? Биласанми? Билмасанг тингла,
Соатда тиқиллаб турган зарбалар
Менинг юрагимнинг тепишларидир.
Сен сония санаб билган шарпалар
Дилда лаҳзаларнинг чопишларидир.
Қалбимни соатга созлаб қўйдимки,

Ваъдангнн эслатсин ҳар дақиқада.
Ишонгин, мен сени шунча суйдимки,
Кўнглимни топшириб қўйдим дафъатан...
Гоҳо сўрайдилар одамлар ҳайрон:
«Нега бу одамнинг ҳолати сарсон?»
Улар не билсинки, қайдадир юрак...
...Соатдан беҳабар бўлсалар керак!

1964 йил, май.

СОҲИЛДА УИЛАНИШЛАР

Соҳил нуқул одамзодга
тафаккурни, ўйлашни талқин айлар.
Ер юзида ҳар хил, ҳар хил жойлардан
фалсафага кўпроқ мойил бўлган жой —
соҳиллардир, соҳиллар!..
Соҳиллар — файласуфлар.
Улар инсон зеҳнига
муаммодан сўз сўйлар.
Соҳиллар хотирлатар ҳамиша
ҳаёт — ўлим низоининг кулфатин,
ўткунчилик ва мангулик нисбатин,
ҳижронни ҳам висолни,
ўтмишни, истиқболни,
узоқ — ўзга юртларники,
кўролганим йўқ,
элларники,
кўриб узоқ туролганим йўқ.
...Ўтирибман яна соҳилда.
Бу—

сув билан қуруқлик ўртасида чегара.

(Узилмайди лабларимда сигара.)

Бу ёқ — ўрмон.

Бу ёқ — сув.

Бу ёқ — денгиз.

бу ёқ — қум.

Оёғимнинг тагида юввош денгиз бор.

Эркаланиб у мулойим мушукдек

яламоқчи бўлар товонларимни.

Сайр этаман булутларнинг карвонларини.

Кўринмайди денгизда биронта тўлқин.

Фақат бордир балиқчи қайиғининг нуқтаси,

сув устида хол каби.

Фақат бордир чайкалар қийқириғи

уфққа савол каби...

Гўё мовий ялангликдир уфқлар.

Уфқларга бошин ёстаб сув ухлар.

Фақат денгиз нафасининг нозик буғлари

тутилади

сигаранинг оппоқ дуди сингари.

Ўйлайманки, бу кўрфазнинг сувлари

дунёдаги барча денгизлар билан,

денгизлардаги ҳовузлар билан,

ҳамма уммонлар, бўғозлар билан,

ҳамма қўлтиқлар, кўрфазлар билан

дўстдир, қариндошдир, яшар ҳамнафас,

улашиб кетганлар бари чамбарчас.

Кариб денгизидаги эркин тўлқинлар,

Адрятикнинг мовий сийнаси,
Сариғ денгиздаги тез оқиндилар,
Қизил денгизнинг иссиқ танаси,
Қора денгиздаги қора мармарлар,
Оқ денгиз белида совуқ камарлар,
жаҳоний океан фарзанди бари,
барининг бир тарзда савиялари.
Агар билмоқ истасанг сен уларнинг
меъёрини —
ўлчаб кўр шу кўрфазда даражалар
миқдорин.

Худди шундай: шоирнинг юраги ҳам
узоқ-яқин
башар зотига ҳамдам.
Худди шундай: шоирнинг байтлари ҳам
дунёнинг дардлари ва ташвишига,
зафари, кураши, интилишига,
ҳар жой, ҳар рангдаги истакларига,
ростига, тушига эртакларига
очиб кенг бағир
меъёр-ку, ахир!

*Рига кўрфазининг соҳили.
1961 йил, сентябрь.*

СИМЛАР, ҚАЛДИРҒОЧЛАР ВА ҚИЗЛАР

Йўллар, йўллар ва яна йўллар.
Тик устунлар бамисли қўллар —
Бу йўлларни ёнлаб қучоқлар.
Устунларни кўк симлар боғлар.
Қалдирғочлар гўё мунчоқлар
Бу симларга тизилиб турган,
Тор устида қатор ўтирган.
Нотадаги белгилар каби
Сатрларга ёпишган қушлар,
Бу симларнинг мазмуни — гапи
Қушлар учун маълум товушлар.
Қалдирғочлар, шўх қалдирғочлар
Улар билан яшнар ёғочлар.
Улар баҳор элчиларидир,
Яхшиликнинг йўлчиларидир.
Тинглайдилар ҳар хил хабарни,
Хабарларки, симлардан оқар,
Эшитарлар хушхабарларни,
Ширин гаплар қулоққа ёқар.

Яқинлардан ва йироқлардан,
Шаҳарлардан ва қишлоқлардан,
Тинимда ҳам меҳнат авжида
Учиб келар симлар ичида
Яхши-яхши қувноқ дараклар,
Бир-бирига иноқ дараклар.
Телеграфнинг кўк симларини
Ел тебратар кеча-кундузлар,
(Билмасак ҳам исмларини)
Телеграфчи меҳрибон қизлар
Ухламасдан сенга ва менга
Юборарлар хабар ва салом.
Қўнгилларда ёқмоқ алалга
Бу қизларнинг иши, вассалом!
Қалдирғочлар, қизлар ва симлар
Уфқларга қилар таъзимлар.
Мен уларга «раҳмат» айтаман.
Суюнчига шеърим битаман.
Қалдирғочлар хушхабар бўлиб
Симдан симга қўниб кўчсинлар!
Симлар йўлга баробар бўлиб
Уфқларга қараб учсинлар!
Қизлар бўлса шўх лобар бўлиб
Куёвларин севиб қучсинлар...

Боку.

1962 йил, сентябрь.

СУВЛАР ОҚАР ТИНМАЙИН...

Сувлар оқар тинмайин
Булжарнинг ирмоғидан.
Еруғлар қўнар майин
«Турпоғ-қўрғон» ёғидан.
Тор ирмоқни камардек,
Е олтин гулчамбардек
Бўғиб олган нур-зиё.
Мен қарайман маҳлиё.
Қор ёғди тепалаб,
Ҳар ёқни тун қоплаган,
Гўё кундан ўпкалаб
Зуғумини тўплаган.
Сувлар оқар, қор ёғар,
Қорлар ёғар, сув оқар.
Аммо ёруғ зар тасма
Тебранади сув билан.
Қилиб нозу карашма
Ўйнашар уйқу билан.
Лекин нурлар йитмайди,

Сув устидан кетмайди.
Қорлар ёғар, сув оқар,
Чироғ эса ягона,
Сабот билан мардона —
Тепадан пастга боқар,
Сувларда олов ёқар,
Булжар кўксин ёритар,
Қоронғуни эритар...

.

Ёруғ қолар, сув ўтар.

*Тошкент. Уқчи — Булжар.
1960 йил, декабрь.*

ЯНГИ РУБОИИЛАР

Рубой ҳақида рубой

Ҳар қандай тўрт товуш нағма бўлурми?
Илгаксиз кўйлақда тугма бўлурми?
Рубой — маънолар баҳрида кема,
Тўрт дона қайиқдан кема бўлурми?

Қўл ва фикр

Қўлнинг мускулига қўшиқлар керак,
Қўлнинг давлатидан тепади юрак.
Қўлимга чапдастлик бахш этар фикрим,
Фикримни тез қўлим айлайди зийрак.

Кўз

Қанча нафис эди унинг нигоҳи,
Сузилиб боққанда у гоҳи-гоҳи —
Уйлардим гўзаллик билан кўзларнинг
Азалдан ўқилган мангу никоҳи...

Яхшилар қадри

Дўстлар, яхшиларни авайлаб сақланг!
«Салом» деган сўзнинг салмоғин оқланг!
Улганга юз соат йиғлаб тургандан —
уни тиригида бир соат ёқланг!

Қушлар ва тушлар

Қўшиқ — кўзларингнинг шўх боқишидир,
Қўшиқ — хаёлимнинг тилак қушидир.
Ҳар тилак рўёбга чиққан дамгача —
Қўшиқ шоирларнинг ширин тушидир.

1965 йил, январь-февраль.

ЭЛЛАР ВА ДИЛЛАР

ҲАР СОНИЯДА...

«Осиё девони»дан

Эрталаб олтида самолётимиз
Ўтди СССРнинг чегарасидан.
Офтоб — лагандек қизиган бир мис —
Осилган кўк қасрин кунгурасидан.
Ана қуйироқда қадимий Қошғар.
Дурбинда кўринар тишли минорлар.
Тупроқ бежамали гиламга ўхшар.
Ҳовузга эгилган кўҳна чинорлар.
Ложувард даҳлиздан бирпас ғириллаб
Хўтан тепасидан учдик пириллаб.
Эсладим Хўтаннинг оҳусини ман:
Неча юз шоирлар мақтаган уни.
Таажжуб шундаки, шу хушдорлардан
Ҳеч бири кўрмаган ўша оҳуни,
Бироқ дилбарларнинг кўзини ҳар гал
Тасвирлай деганда шоирлар паққос —
«Оҳуйи-Хўтан»нинг кўзига тугал
Ёрнинг нигоҳларин қилганлар қиёс.

Айнан шундай экан: асил яхшилик
Гарчи қилмаса-да, ўзини эълон,
Аммо ёдда тутса уни кишилик,
Тиллардан тилларга кўчади дoston.
Учамиз самода, соатлар учар,
Қор каби булутлар тўзилиб кўчар.
Қишлоқлар, шаҳарлар, тиғиз бозорлар,
Работлар, кўприклар, йўллар, мозорлар
Кино лентасидек ўтиб кетади,
Лаҳзалар қўлма-қўл тутиб кетади.
Олис масофани учиб келамиз,
Манзилдан-манзилга кўчиб келамиз.
Ана шу дақиқа, шу сонияда,
Тубанда, қайдадир уйда-уяда
Оламга келгандир битта чақалоқ.
Мен унинг йиғисин эшитмасам ҳам
Аммо у туғилган,
туғилган мутлақ.
Ўзи ҳам «инга» деб бақирар шу дам.
Учамиз самода, учар лаҳзалар.
Бошқа хил шаҳарлар ва дарвозалар.
Ана, Ҳинд диёри. Деҳлининг йўли.
Бу йўлда бор экан Панипат чўли.
Бунда Бобир Мирзо тўрт аср олдин
Султон Иброҳимнинг қўшинини, филин
Тор-мор келтириб, синдириб белин,
Ҳиндистон тахтини эгаллаб олди.
Биз бўлсак холиймиз ҳар хил даъводан,

Саломлар келтирдик Ҳиндга ҳаводан,
Тубанда, қайдадир, тўю байрамда
Севишиб қовушар куёв ва келин.
Мен карнай наърасин эшитмасам-да,
Биламан у ерда маърака қалин.
Учамиз самода, чопар лаҳзалар.
Тўйга лаҳзадошдир гоҳо азалар.
Пастда аллақандай, бирон қишлоқда,
Пастқам бир кулбада, айни шу чоқда,
Бир чол видолашиб шу олам билан
Ажал чангалига таслим бўлмоқда.
Унинг ноласини мен эшитмайман.
Аммо у шубҳасиз тортади фиғон.
«Ўлим йиғлатмайди» деган гап ёлғон...
Ҳа, бетинч дунёда, ҳар сонияда
Ғам билан хурсандлик панжалашмоқда.
Ҳатто тафаккурда, ҳатто мияда
Оқ билан қора ранг жой талашмоқда.
Бу ҳаёт оқимин мангу давраси,
Борлиқ либосининг астар-авраси.
Ҳар бир сонияда, шу ер юзида
Ким билсин қанчалар фарзанд туғилар.
Ва шу сониянинг худди ўзида
Қанча кишиларнинг кўзи юмилар...
Аммо ўлиб кетса, бир нафар деҳқон,
Ўрнига иккиси туғилар ҳамон.
Бир нафар чилангар кўз юмса агар
Ўрнига туғилар учта чилангар.

Ёки ўлиб кетса битта муаллим,
Ўрнига туғилар донишманд олим.
Аммо ўлган икки аблаҳга эваз
Бири ҳам туғилмоқ асти шарт эмас.
Бу тоғлар, дарёлар, бу водий, бу туз
Одам авлодининг ўз қўраси-ку!
Жаҳон деб аталган шу кичик юлдуз
Бизнинг ҳаммамизга, ҳар биримизга,
Бизнинг бешикларга ва қабримизга
Етоқ бўладиган Ер курраси-ку!
Биз қанча баландга чиқсак тупроқдан,
Шунчалик ортади унга меҳримиз.
Қарайман дунёга кўкдан — йироқдан.
Уни соғинаман. Она еримиз!...
Туғилиш ва тўйлар, меҳнат ва ўлим
Одамзод умрининг пояларидир.
Хасталик ва соғлиқ, хато ва билим
Борлиқнинг нури ва сояларидир.
Азалий орзулар яшар қалбимда.
Тинчлик қўшиқлари ўйнар лабимда.
Истайман инсоннинг ҳар бир лаҳзаси
Ўтсин ўз инсоний силсиласида,
Ҳаёт қонунлари қақшаб кетмасин
Мудҳиш урушларнинг зилзиласида.

Тошкент — Деҳли самолёти.

1961 йил, март.

БОМБАЙДА

«Осиё девони»дан

Зиддиятлар бу шаҳар макони балки.

Йўқсили ғоят гадой.

бойи ғоят бой.

Биз билан кезиб юрган гидлар айтганки;

Етти орол устига қурилган Бомбай.

Кўчаларда Осиёнинг оловин ютдик.

Боғлар кезиб айландик бозор-расталар.

Ҳашаматли саройлар олдидан ўтдик,

Йўлакларда ётганди уйсиз хасталар.

Муаттар чой ичилди чиний қадаҳдан,

Қовун узиб бердилар бизга дарахтдан.

Гарчи етти оролга қурилган Бомбай,

Ороллар-ку, кўчмайди. Бу жой эски жой.

Нималарни ўйладим, билсангиз у дам:

Эсладимки, етмиш йил бундан муқаддам —

Бу ерда жаҳонгашта битта саргардон,

Хўқандлик бир мусофир юрган экан-ку!

Шу музейлар, шу денгиз, бу боғи-майдон

Гувоҳдай у йўлчини кўрган экан-ку!

Бошпанасиз қувғинди бўлган у ночор.
Ғурбатчилик ғуссаси ёғандир дилга.
Биз бўлсак меҳмонлармиз, иноқ,
ҳамдиёр,

Ичимизда уч шоир, етти олим бор,
Ва қўнганмиз энг зебо, кўркам отелга,
Дастурхонда кўп лазиз таомлар тайёр..
Биз муаззам давлатнинг панасидамиз,
СССРдек ўлкада намояндамиз.
Фарғонасини соғиниб бўлди у абгор,
Тошкентнинг ҳасратида ёзди номалар.
Умри бўйи Ватан деб қилди оҳу зор,
Аммо қайтиш бўлмади унга муяссар.
Биз эсак, қисқа вақтга келдик бу ерга,
Ватандан рухсат олиб чиқдик сафарга,
Мактабда дарслараро танаффус каби,
Саёҳат ҳам биз учун тиним талаби.
Биз тез кунда қайтамыз ўз шаҳримизга,
Шошиламыз, оҳ, қачон келар муҳлати—
То босгаймиз тупроғин шу бағримизга!
Чунки, ошар ғурбатда юрт муҳаббати..
У жаҳон йўлларида «адашдим» деди,
У ҳуррият изловчи бир ошиқ эди.
Истамбулни қидирди, Юнонда кезди,
Ўтиб Мисру Ҳижоздан Ҳинд сари сузди.
Аммо одам авлодин кишанда кўрди,
Булбулини вайрона гулшанда кўрди.
Бизлар эсак келганмиз эркин диёрдан,

Бир диёрки, эрк деган парига ватан.
Шиоримиз: қардошлик, аҳиллик, ёрдам.
Бу диёрни кўрмади ул ғариб, аттанг!
Ҳа, шуларни эсладим Бомбайда у дам.
Таққослашга мойилдир одатда одам.
Гарчи етти оролга қурилган Бомбай,
Бу муҳташам қасрлар пойдевори лой.
Уни юртдан қувганда «фалакнинг чархи»,
У фақирди. Шеърнинг маълумдир нархи.
Шоир эди, шу учун балки, ноилож —
Чайнар эди виждонин дунёнинг дарди.
«Майда пулға» афсуски, доимо муҳтож,
Кўз ёшин сиёҳ қилиб ғазал битарди.
Бомбайда уни эслаб бўлдим мен диққат.
Ўзим меҳмон бўлсам-да, эсимни фақат —
Меҳмон бўлиб банд этди Зокиржон Фурқат.

Ҳиндистон — Бомбай.

1961 йил, март.

СУВНИНГ УЛИМИ

«Осиё девони»дан,

«Худо кўрсатмасин
сувнинг ўлимин!
Сувнинг ўлгани —
тирикликнинг сўлгани.
(Бир мўйсафид арабнинг
суҳбатида.)

Шарқнинг элларида нима кўп, саҳро,
Санасанг етмайди юз-юзлаб мисро.
Қумлар ва шўранглар ёйилган чексиз.
Дарёлар бебурддир, тупроқлар — ўксиз.
Аммо онда-сонда, чўлларда аранг,
Қўринар бир нуқта, гўё райҳон ранг
Бир холдек.

Хол эмас, у воҳа экан.
Бир танти қудуқдан ичиб кўкарган.
Шу гал кўрганим-чи, мусибат эди.
Бағоят аламли насиба эди,
Олисдан кўринди ҳавоза ногоҳ,
Яқинлаб билдикки, бу собиқ бир чоҳ.
Шағалга кўмилган қудуқнинг ичи.
На майса кўринар, на сув, на сувчи.

Атрофда ўн-ўн беш хурмо дарахти,
Қотган склетдек ёниқ, карахт-ди.
Кулбалар қулаган аллақачонлар,
Тошлар қизиллашган гўё маржонлар.
Қовжираб-қовжираб томоқ қурийди,
Шабада бўғилиб бунда чирийди.
Кўза бор, чанқов бор, у чоҳда сув йўқ.
Ҳорғинлик ўлгудек, кўзда уйқу йўқ.
Сув ўлган, чоҳ тўлган, чаман сўлгандир,
Келим-кетимларга чек қўйилгандир.
Энди бу воҳага карвонлар қўнмас,
Сояда ёнбошлаб йўлчилар тинмас.
Тириклик кўз юмган бу манбаларда,
Сув базми қурилмас чоршанбаларда.
Сув ўлган. Дерларки: фалак зардаси
Туфайли йиртилган ҳаёт пардаси.
Фалак не дахли бор? Бу — афсона гап.
Номаъқул тартиблар балога сабаб.
... Ҳокимлар ораси чиқиб ихтилоф,
Бир-бирин қасдига йўлга қўйган ғов.
.....
Сувлар ҳам, йўллар ҳам, биёбонлар ҳам
Ақлга қуллуғи мутлақ лозимдир.
Олам чўлларига битта мироб кам,
Миробки, лақаби — Социализмдир.

1961 йил, сентябрь.

ПАЛАНТЕ, ПАЛАНТЕ!

«Украина» номли меҳмонхонанинг
Ешлар ўраб олган остонасини.
Хўп англаб маъносин шу замонанинг —
Куйлашар инқилоб таронасини.
Айланиб юрарлар, қўллар чамбарчас,
Қувноқ қичқиришар Куба маршини.
Улар на яшаган умр ёшини,
Ва на ошаганлар дунё ошиини,
Қирқ гулдан ўнтаси очилган эмас.
Яшарлар умиднинг харитасида,
Иқболнинг нуроний оқ эртасида.
«Сомос сосялистас, паланте, паланте!»¹
Қўлга қўл, дилларга диллар уланди.
Олтин соч дилбарлар бор бу ўртада,
Қалин лаб, кўмир соч йигитлар ҳам бор.
Бунда булоқ кўзли қизлар бир тўда

¹ «Бизлар социалистлармиз, олға, олға!» (Кубада машҳур инқилобий ашуланинг нақароти.)

Соқолдор ўғлонлар билан ҳамқатор.
Улар кубалилар, кубалилардир,
Куба деб аталган озод оролдан,
Зарбага зарб берган зарбалилардир,
Қўрқмаслар ҳеч қандай ёвдан, қуrolдан.
Давра айланади ҳалқага ўхшаб,
Майдонни ёшликнинг олови қуршаб.
«Сомос сосялистас, паланте паланте!»
Қўшиқ авжларининг шудир баланди!
Даврага кирдилар ҳар ёқ-ҳар ёқдан,
Ганадан, Хитойдан, Ҳинддан, Ироқдан,
Яхшилиқ азмида келган меҳмонлар,
Немислар, занжийлар ва итальянлар,
Қўлга қўл беришди араблар, руслар,
Японлар, болгарлар ва французлар.
Мени ҳам даврага тортди бир йигит,
Бир қўлим афғоннинг қўлига пайваст,
Бир қўлим кубали қиз билан ҳамдаст.
«Жўр бўлгин» деб қилар у менга таъкид.
Уларга жўр бўлиб куйладим мен ҳам.
Ошса-да, комсомол ёшидан ёшим,
Ёшлар-ла ёш каби, қувончли бардам
Айладим, Севинчдан айланди бошим.
«Сомос сосялистас, паланте, паланте!»
Миллатлар, қитъалар, иноқ айланди.
Қўшиқнинг биламан кучин азалдан,
Биламан юракка у йўлдош, ҳамтан,
Аммо ашулани куйласа бирдан

Жўр бўлиб ўлкалар, ирқлар, уфқлар,
Бу тахлит ашула океан экан,
Инқилоб қўзғайди шундай қўшиқлар.
«Сомос сосялистас, паланте, паланте!»
У кеч заб оқшомди, заб тўполонди!
Қўшиққа қўшилган турли миллатлар —
Гарчи билмаса-да, испан тилини,
Шавқ билан айтарди уни баробар,
Қўшиққа жўр қилиб ҳар ким дилини.
«Сомос сосялистас паланте, паланте!»
Бизлар социалистлар. Олға! Олға!
Куба озод ўлка. Қақшамас қалъа!

Москва:

1961 йил, июль

КАРЛОВИ ВАРИ УРМОНЛАРИДА

Бу ўрмонлар бошқа бир олам...
Ҳар хил оҳанг бунда жамулжам.
Дейсан: бунда концерт бор албат,
Бир концертки, тузган табиат...
Товушлар бор ҳар хил, ҳар турли,
Музикаси тахир, атирли.
Бу товушлар қаердан келар?
Қайси азим найдан туғилар?
Гўё тоғлар ортида шу он
Асов дарё гулғуласи бор.
Ё дераза олдида ҳамон
Шўх ёмғирнинг ашуласи бор.
Ёки уйқу пайтида бирдан
Тушга кирган хотиротдир бу,
Болаликда онамиз айтган
Аллалардан нақаротдир бу!!
Ундай эмас, булар ҳаммаси —
Ўрмонларнинг асил нағмаси.
Ўз услуби ва ўз тилидир,

Ўз нашъаси ва ўз дилидир.
Шамол чоғиб кириб ўрмонга
Чертар дарахт бутуқларини.
Ларза солиб ҳар бир томонга,
Гапга солар япроқларини.
Дарахтларнинг торида чолар,
Қалбларидан сирларин олар.
Бу ўрмонда хушбўй арчалар
Жўр куйлашар арғувон билан,
Мажнунтолни қарағай чорлар
Қўп сеҳрли бир мақом билан.
Хумпар қушлар учиб кетдилар
Е дарага, ёки ғурбатга,
Қийқиришиб қочиб кетдилар
Дош беролмай шу рақобатга —
Патларини сочиб кетдилар.
Ўрмонларнинг сўқмоқлари кўп.
Тоғ бағрига ўралган йўллар,
Сўқмоқларда на тикан, на чўп
Ҳаммасини шипирган еллар.
Бу ўрмонда ҳар сўқмоқ сатри
Шеърда бир мисрага ўхшар.
Бор ўзига яраша қадри,
Ҳар бирида бир маъно яшар.
Бир мисрани ёзиб бўлай деб —
Шоир талай соат ишлаган,
Ўрмонро сўқмоқ солай деб
Қанча одам қадам ташлаган.

Мен ҳам қадам босиб кезгандим
Қарловари тоғида бир гал.
Ҳар дам дилда ғурур сезгандим —
Эсласамки, юз йилча аввал
Бу излардан, бу сўқмоқларда,
Бу ўрмонда, бу тупроқларда
Буюк устоз Маркс юргандир,
Юриб не-не хаёл сургандир.
Қўлларини қовуштириб у
Сайр этаркан бу тор сўқмоқда
Қўпчилик эл билмас эди-ю,
Аммо доҳий фикри шу чоқда —
Дунёмизга, башариятга,
Заҳматкашга, аксариятга
Топиб берган муаззам йўлни,
Уфқлари муҳташам йўлни —
Ўйлар эди ғоят умидвор,
Умидида собит, барқарор.
Солимларнинг кўзида устоз
Саналса-да, «ёвуз исёнкор»,
Адолатга қўйиб у ихлос,
Ҳақсизликни айлади инкор —
Ва биринчи бўлди
«ўртоқ Карл».

Чехословакия. Карлови Вари.
1961 йил, август.

Б У Л Б У Л

Ногоҳ чангалзорда сайради бир қуш.
Бу қандай қуш экан, бу қандай товуш?!
Бу ширин «чаҳ-чаҳ»лар менга кўп маъқул
Бу-ку, ўзимизнинг ошнамиз булбул.
Юз йиллаб таърифин унинг ўқидик.
Бу ҳақда ўзимиз ғазал тўқидик.
Уни Шарқимизнинг гул боғларида
Тингладик оқшому тонг чоғларида.
Худди бизнинг булбул, азбаройи ҳақ!
Булбул эканига шубҳа йўқ мутлақ.
Чехослав элининг хонанда қуши,
Бизнинг ошиқларнинг эзгу таниши.
Айнан Ўзбекистон булбулидек у,
Сайрарди бир кумуш булоқ бошида.
Қуйида чаманга ҳасрату орзу:
Гул балки уч кунлик, у — уч ёшида.
Ўрта Европанинг хушхон ҳофизи,
Ўрта Осиёда бордир эгизи.
Аммо икки боғда ҳар икки булбул

Миллатлар, қитъалар, ирққа қарамай
Севгини тараннум қилишар бир хил,
Гуллар қадаҳидан шимиришар май.
На ғарб шеърияти, на Шарқ ғазали
Шу учун булбулсиз ярата олмас.
Гўзаллик расмидир бу ҳол азалий,
Булбул йиғламаса гул яшнаб кулмас.
Сайрарди ўша кун Карловарида
Чехларнинг булбули ўрмон бағрида —
Ҳижрон қайғусини, висол лаззатин,
Гулнинг, гўзалликнинг қадрин, иззатин.
Дунё булбуллари ҳамдard, ҳамнафас.
Уларга таржимон керак ҳам эмас ..

Чехословакия. Карловари.

1961 йил, июль.

РИКШАНИНГ ҚУШИҒИ

«Осиё девони»дан

Калькуттада мендан ўтар рикша¹ йўқ.
Бенгалияда менга етар рикша йўқ.
Оёқларим бақуввату қўл чаққон.
Онам мени рикша бўлсин деб туққан.
Сиз раҳм этинг, аравамга ўтиринг.
Қайга бўлса обораин, буюринг!
Ўтиринг, ўтиринг, ледилар²!
Ўтиринг мистерлар, афандилар!

* * *

Рикшадан ҳам арзон нарсa нима бор?!
Эллик пайса!.. Эллик пайса!.. Харидор!
Эллик пайса, эллик пайса кўп эмас!
Сиз ўтириб лутф этсангиз менга бас!

¹ Р и к ш а — аравасига одамларни ўтқазиб ўзи тортиб олиб борадиган киши.

² Л е д и — инглиз хонимларига хос унво.

Бу шаҳарда мендан чопқир рикша йўқ.
Аммо, афсус, ҳамёнимда ақча йўқ.
Ўтиринг, ўтиринг, ледилар!
Ўтиринг соҳиблар, афандилар!

* * *

Тез чопаман, соз чопаман, кўп равон.
Қорним очу ўзим енгил, чопағон,
Қайга бўлса югураман дарҳол мен.
Ўз вақтида улгураман дарҳол мен.
Сиз ўтиринг, тез ўтиринг, ал-амон,
Болаларим еган эмас бугун нон,
Ўтиринг, ўтиринг, боёнлар!
Бонулар, хўжалар, аъёнлар!

* * *

Афандилар, аммо бўлинг эҳтиёт,
Тинкамизни қуритди дард-эҳтиёж.
Агар мени йўлда таҳқир этсангиз,
Агар йўлда сиз белимга тепсангиз,
Мен Хаури¹ кўпригидан мабодо
Ирғитмайин сизни сувга бенидо.
Чўчиманг, чўчиманг, боёнлар!
Қулдорлар, мутфхўрлар, йўғонлар!!

¹ Хаури — Қалькутта шаҳрининг ўртасидан ўтиб
денгизга қуйиладиган дарё.

Тортинасиэ, қўрқдингизми?! Ё тавба!
Қалкуттада йўқ бунақа арава.
Бу гапимдан ҳайиқманглар!.. Ҳазил бу!
Фақат очлик асорати ҳозир бу!
Аммо, худо кўрсатмасин бу ҳазил
Чин ростликка айланса-я, беҳазил!
Ўтиринг, ўтиринг, ледилар!
Ўтиринг, мистерлар, афандилар!

*Қалкутта — Тошкент.
1961 йил, март.*

ИККИ ШЕЪР

I

Б о ғ д а

Чайқаларди бутоқлар билан
Дарахтдаги кечаги чироқ,
Наҳор аллақачон бўлгану
У ўчмайин ёнмоқда бироқ.
Офтоб кўкнинг мангу фонуси
Ёритаркан коинотни кенг,
Боғда толга осиқ чироқни
Қим пойларди, қим ўйларди, денг?!
Мен ачиндим у бечорага,
Чунки, ғоят кулгили эди.
Унинг кундуз бемаҳаллиги
Аниқ эди, белгили эди.
Биласизми, шу ҳолни кўриб
Мен нимага айладим қиёс,
Кечикканлик дардини билиб
Қолоқларга ачиндим, холос.
Эсга келди фурсат қочирган
Ғафлатдаги шоир бечора.

Ехуд элда айтилганидек,
Худди — тўйдан кейин ногора.

II

Сўз ва кўз

Кўриб қизни, сархуш ҳолида
Унга айтди ширин ғазаллар.
Шоир анча ширакайф эди,
Ғазаллар-чи: эски масаллар.
Кўнгил берди бежама гапга
Ва ишонди унга дилнавоз.
Эртасига мулоқот пайти,
Ҳатто жойи келишилди соз.
Қалбида зўр иштиёқ билан
У қиз келди боғ эшигига,
Ўз пайтида, ўз мақомида
Қиз тикилди боғ эшигига.
Аммо шоир у кун келмади,
Ваъда берган жойига ўзи.
Чамаси, у унутган эди.
Бошқа экан сўзи ва кўзи.
Ўтгач шундан бир-икки ҳафта
Бир-бирига дуч келди улар.
Аммо шоир бир бегонадек
Ўтиб кетди ундан беҳабар.

Ғазалларнинг қадрини сақла,
Ҳадеб сотма сўзингни, шоир!
Билолмасанг сўзинг қадрини,
Билолмайсан ўзингни, шоир!

1965 йил, февраль.

Ғазал ва масал

Кулмоқликда бўлар экан турли-турли ҳол.
Заҳарханда қаерда-ю хандонлик қайда?
Кулги зўри тўғрисида бор экан мақол:
«Беҳаёни уролмасанг, сен кулиб ҳайда!»
Инсон борки, тақдиридан шунчалик рози,
«Кулганида қулогига етади оғзи».
Бизнинг элда бугун шундай бор қаҳқаҳалар,
Кулар, ўйнар шаҳар, кўча, сойлар, даҳалар.
Шодлигидан кулгиларнинг туси олтин ранг,
Уфқларни қоплаётир қувончли оҳанг...
Ўзбек элин тўй қилмоққа ҳақи бор улкан.
Етукликка жонли гувоҳ унинг қомати.
«Эллик йилда эл ўзгарар» дейилган экан,
Боқ, қирқ йилда шундай кулди юртнинг
омади.
«Маърака ҳам халқникидир, зиёфатлар ҳам...»
Давраминда кулишади дўстлар жамулжам.
Юрт севгиси шоирларга берди мавзулар,
«Бир орзудан болалайди янги орзулар».

Юртимизнинг гуллашини истадик ҳардам,
«Гул чаманин — севар булбул, ватанин —
одам».

Қардош халқлар гурунгида бирикди бирлик.
Бу бирлиكنинг инобатин синовлар узмас.
Давлатимиз ҳукмрони меҳнат умрлик,
«Кенгаш қилган эл янглишмас, адашмас,
озмас».

Қулмоқ нафъин ҳукамолар шундай айтибдир:
«Яхши кулги ўн тухумни еган билан бир».
Еримизнинг чиройига қўшилар чирой.
Халқда дерлар: «Юрти бойнинг зотан ўзи
бой!»

Бойлигимиз — қалб шўхлиги, элнинг тўқлиги,
Ҳаромхўрлар тоифасин мангу йўқлиги.
Халқим учун байрам чоғи ёзилди ғазал,
Халқдан олиб халққа бергум мақолу масал.

1964 йил, октябрь.

Шуғулланиб одатий масала билан,
Уқир эдим бир роман ҳафсала билан.
Одамларнинг қизиқиб тақдирларига,
Чўмиб кетдим қозону тандирларига.
Уқиб-ўқиб ўгириб китоб бетларин,
Билмоқчийдим адибнинг чин ниятларин.
Узим ҳам пайқамабман, аллақайларда,
Олти юзинчи бетдан сўнгроқ жойларда —
Қарасамки, кўринмас қаҳрамон, аттанг,
Хайрлашмай ажрашган эканмиз бирдан...
Қайда, қачон кетган у китобни ташлаб,
Китобфуруш ўртоқнинг кўзларин ёшлаб?
Излай кетдим қаҳрамон қабрини у чоқ,
Бошқатдан қараб кўрдим варақма-варақ.
Ва топдимки, ҳақсизлик юз берган ёмон.
305-бетда ўлган қаҳрамон.
Чакки бўпти! Беозор киши эди у.
Боёқиш ҳали турса бўлар эди-ку!
Афтидан романчининг лоқайдлигидан

Қаҳрамон хароб бўлди шундай дафъатан.
Севинмади қаҳрамон туғилганида,
Ва тўкмади кўз ёшин у ўлганида.

Дўрмон.

1962 йил, апрель.

УЛАР ХАФА, ЧУНКИ БИЗ ХУРСАНДИ!

Янги йил бўсағасида

Янги йилни шоду хандон кутмоқлик яхши!
Ва дўстларга кулиб қадаҳ тутмоқлик яхши!
Шоду хандон бўлмоқликка асосимиз бор,
Шу жиҳатдан ўтган йилга ихлосимиз бор,
Ёмон эмас, астойдил хизмат қилди у,
Коммунизм манзилида ҳиммат қилди у.
Ғалабалар нақш этилган юз-юз саҳифа.
Уч юз олтмиш бешта тонгдан тушган сарлавҳа.
Фазоларда, ер тагида, йўлда, далада.
Корхонада, мактабларда ва ашулада
Янги йилга эришгани ҳақ қозондик биз.
Жомакорни кийиб олиб хўп ясандик биз.
Хурсандмизки, дунёмиз тинч, диёримиз тинч.
Хурсандмизки, ўзгаларга эмасмиз муҳтож,
Жаҳон агар калла бўлса, юртимиз — гултож.
Хурсандмизки, тўғрилиқнинг обрўи баланд.
Терак каби қомати рост ва бўйи баланд.
Хурсандмизки, тенг жамият аъзоларимиз,
Ойлик ҳалол — ведомостда имзоларимиз...

Хурсандмизки, бари аҳил, баримиз иноқ,
Саломларга «алик» деймиз кулумсаб, қувноқ.
Дарҳақиқат биз кулмасак, кимлар кулади?
Аммо палит ҳаромхўрлар сочин юлади.
Янги йилга бизлар деймиз: «Келинг,

марҳабо!»

Кўҳна дунё ҳайрон: «Шунча тезми, ажабо?!»
Мумкин бўлса замонани тўхтатмоқчи у.
Севинчларни, таронани тўхтатмоқчи у.
Биз уларга нима деймиз,

ўша кўрларга?!

— Модомики, майлингиз бор сассиқ гўрларга,
Модомики, янгиликлар сизга ёқмайди,
Янги ҳаво, тоза нафас сизга юқмайди,
Шундай бўлса, кечаларда эриб кетинг сиз,
Урнингизни кундузларга бериб кетинг сиз!
Янги йилга бормасангиз, ихтиёрингиз!
Шундай экан, замонадан чиқиб борингиз!
Бизлар бўлсак тирикликни тараннум этиб,
Қувонч билан ҳайқирамиз янги йил кутиб:
— Шонли ота фарзандисан янги йил, деймиз.
Хўп ардоқлаб асрагаймиз сени, бил, деймиз.
Биз отангдан мандат олган вакилмиз, деймиз.
Биз сен билан умрларга кафилмиз, деймиз...

1963 йил, декабрь.

НИМАГА «ИҶҚ» ДЕИМИЗ,

НИМАГА «БАЛЛИ»

Улуғ карвоннинг манзили азиз,
Ҳаёт ҳам лазиздир, умид ҳам лазиз.
Карвон бормоқда, карвонбоши зўр,
Йўлчи нағмасига ғалабалар жўр.
Бу карвон йиллардан ўтиб келмоқда,
Синоқли йўллардан етиб келмоқда.
Ростликнинг китобин ортиб борамиз,
Пастликнинг ниқобин йиртиб борамиз.
Елғонга: «Йўқ» деймиз ва «Йўқол!» деймиз,
Чинга: «Балли сенга, оқсоқол» деймиз.

Коммуна боғининг дарвозасига,
Нурафшон саналар замонасига —
Кўнгли соф одамлар кирса ярашар,
Яхшилик ёмонга қарши курашар.
Улуғ устозлардан ибрат оламиз,
Ўлмас ботирлардан ғайрат оламиз.
Чиркин сарқитларни қоқиб этакдан,
Пок инсон асраймиз ҳар бир гўдакдан.

Ҳар хил текинхўрга «Йўқ» деймиз қатъий,
Меҳнатга бўйсунган дунёнинг сатҳи.
Бизлар танбалликка: «Қет, йўқол!» деймиз,
Ҳимматга: «Биз билан ўзинг қол!» деймиз!

Ҳай дўстим, ҳар кунинг ва ҳар дақиқанг
Муҳрли йўлланманг, тўғри васиқанг!
Ўлкада ярамас бўлса ҳамки оз,
Боғ ҳуснин бузади битта қушқўнмас.
Уларни боғчадан юлиб борамиз,
Даф бўлсин дилсиёҳ, бахил, ғаламис!
Бизларга эш эмас ҳаромхўр, худбин,
Узамиз аблаҳлар макрининг ипин.
Бидъатга, шайтонга, жинга «Йўқ» деймиз,
Зеҳни бузғучи динга «Йўқ» деймиз,
Билимга ва онгга: «Ҳа, балли!» деймиз,
Қундузга ва тонгга: «Ҳа, балли!» деймиз.

1962 йил, март

МУНДАРИЖА

Ҳар коммунист — офтобнинг ходими

Марказкомга салом!	3
Ленин — биз	7
Октябрь қўшиғи	9
Унинг давоми	11
Ҳайкаллар	14
Лениннинг умрига қўшилди бир йил	16
Лениннинг кутубхонаси	18
Мен — Лениннинг китобхониман!	21
Ленин имзоси	24
Зинапоялар	27
Гулдаста	29
Келажакнинг саволларига жавоб	31
Лениннинг меҳри	34
Ленин ва сиз (совет аёлларига)	36
Партбилет	38
Коммунист ҳақида мисралар	45
Барча яхши ҳодисалар ундан туғилди	48
«Правда» — ҳақиқат	51

Овозим

Давлат, бу — биз!	53
Асримизга розилик	55
Тўйчи элга!	58
Баҳор нашидаси	60
Қуёш дерки	64
Дўстлик навоси	66
Тилакларим	67
Пахта ғазали	69
Марҳабо, янги йил!	70
Ўзбек, туркман — бир дўғон, бир туғишган	72
Фазо йўлчиларига	73
Саҳна қаҳрамони	75
Нур устига нур	77
Маҳтумқулига	79

Шеърят диёрин шоирларимиз

Хиёбон	81
Шеър, чин гўзаллик синглиси экан!	84
Инсон, шеър ва шоир	86
Ҳар гулнинг ўз мавсуми бор	89
Товушлар	91
Шамолни кўз билан кўриб бўлмайди	97
Бинафша	100
Бу кеча	102
Қўллар	104
Ой билан суҳбат	106

Кечир мени, «майли!» де!	111
Излар	113
Биласанми?	118
Соҳилда ўйланишлар	121
Симлар, қалдирғочлар ва қизлар	124
Сувлар оқар тинмайин	126
Янги рубойлар	128

Эллар ва диллар

Ҳар сонияда	130
Бомбайда	134
Сувнинг ўлими	137
Паланте, паланте!	139
Карлови Вари ўрмонларида	142
Булбул	145
Рикшанинг қўшиғи	147

Кулги қистаганда

Икки шеър	
I-боғда	150
II-сўз ва кўз	151
Қаҳқаҳамиз маъноси	153
305-нчи бетда ўлди қаҳрамон	155
Улар хафа, чунки биз хурсанд	157
Нимага «йўқ» деймиз, нимага «балли»	159

На узбекском языке

Максуд Шейхзаде

ТЕНИСТАЯ УЛИЦА

Стихи

Редактор *Ф. Шоди, Тўлқин*

Рассом *А. Россаль*

Расмлар редактори *П. Хапилия*

Техн. редактор *Л. Ильина*

Корректор *М. Абдушукурова*

Босмахонага берилди 30/VII—65 й. Босиш-
га рухсат этилди 4/IV—67 й. Формати
60×90/32. Босма л. 5,125. Шартли босма л.
5,125+0.031(1 вклейка). Нашр л. 4,7+0.05.
Тиражи 15 000. Р 06043. Фафур Фулом по-
мидаги бадий адабиёт нашриёти. Тошкент,
Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 60—65.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети мат-
буот Давлат комитетининг 3-босмахо-
насида 1-қоғозга босилди. Тошкент, Навоий
кўчаси, 30. 1967 йил. Заказ № 408.
Баҳоси 67 т.

Шайхзода Мақсуд.

Хиёбон. Шеърлар. Т., Фафур Фулом ном-
даги бадий адабиёт нашриёти. 1967.

164 бет. Тиражи 15 000.

Шейхзаде М. Тенистая улица. Стихи.

Уз: